

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

АХЛЛИК ҲАМ АСЛИ МАРТАБА



Кармана туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Фурқат ака Йўлдошев бизни Бешкент маҳалласидаги бир хонадонга бошлади. Кўринишдан одмигина ҳовли, бироз саранжом-сарихта хонадон соҳиблари унданда одми, камтар, инсонлар экан. Кўринишдан олтимининг нари-берисида бўлган уй соҳибни Сувон ака бизни қарши оларкан, ўзини қўярга жой тополмасди. Дастурхон атрофида Сувонбобо ва Ҳафиза аянинг фарзандлари-қизлари, ўғиллари тўпланишди. Дарвоқе, бу пиру бадавлат инсонлар ўн нафар фарзандни ўстириб, вояга етказишган экан. Тўрт ўғил, олти қиз, йигирмадан зиёд неваря.

Дастурхон атрофидаги суҳбатда ҳам бир-бирига меҳри товланиб турган чолу кампирга зимдан разм соларканман, сўрашга жазм қилдим.

— Севишиб турмуш курганмисизлар, бобо?

— Йўқ, аксинча, — дея жавоб берди Сувон бобо. — Холам Ҳафизанинг тоғасига тушганди. 19 ёшда эдим. Бир куни шу

Хусан поччамиз меҳмонга келиб қолди. Отам билан суҳбат қуриб ўтирганида, чой олиб кирдим. «Шу, Сувонбекни ҳам бошини иккита қилиб қўйиш навбати етмадимикан? Битта муносиб қиз бор. Меҳнаткаш, камсуқум», дедилар. Дарвоқе, бизлар оилада 12 ўғил эдик, тўнғичи мен. Поччамнинг маслаҳатига қўра ўша қиз билан учрашдик. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келдим, ҳайтовур тўйга тарадуд бошланиб кетди. Хуллас, 1955 йилда тўйимиз ҳам бўлиб ўтди.

— Ўн икки ўғилли хонадонга келин бўлибсиз, оғир кечмадимиз? Ҳар ҳолда фақат ўғил болалар бўлгандан сўнг ўзига яраша шўхликлар бўлади, — сўрайман Ҳафиза аядан.

— Йўқ болам, қайнота-қайнонам ва қайниларим билан ҳам тезда чиқишиб кетдим. Барча ишда кўмаклашишарди.

— Ҳеч аразлашиб, ё уришиб қолган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Йўқ, — дейди бобо. Иш бу-

юриб, унинг ижросини талаб қилиб қаттиққўллик қилганман. Аммо, бирон марта сўкмаганман, урмаганман. Аввало, унинг ўзи дашном беришга имкон қолдирмасди. Ундан кейин онам...

— Ҳа, қайнонам мени хафа қилишларига изн бермасди раҳматлик — гапни давом қилди Ҳафиза ая. — Ўзим ҳам унча-мунча нарсани ичимга ютардим-да.

Хуллас, оддий оиланинг оддий соҳиб ва бекалари фарзандларини ҳам камтар, меҳнаткаш қилиб улғайтиришди. Сувон бобо бир умр ўсимликларни ҳимоя қилиш ва сўнгра газлаштириш идорасида ишлаб, нафақага чиққан эканлар. Болалари ҳам оддий ишларда ишлашди. Мухими, бу хонадондагилар аҳилликлари билан бутун Карманада ном қозонган. Шу боис, Сувон бобони нотинч оилаларни тинчлантириш учун тез-тез маҳалла оқсоқоли йўқлаб туради. Илло, юртимизда аҳиллик туфайли мартаба топган ана шундай хонадонлар кўпаяверсин.

Хайрулла ХАМРОЕВ
Новоий вилояти

— Мустақиллик шарофати билан барча, ҳатто техник йўналишдаги олийгоҳларда ҳам ўзбек тили ва адабиёти кафедралари очилди. Биз ҳам 1992 йилда ушбу кафедрага асос солганмиз. Мактабдан фарқли ўлароқ бу ерда талабаларга фанни чуқурроқ ўргатамиз. Мустақил ишлашга имкон берамиз, — дейди Жиззах политехника институтининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Дилбар Соатова.

Эркин фикрлар клуби ташкил қилганмиз. Унда дастлаб 6 нафар талаба қатнашарди, ҳозир юздан ошиб кетишди. Мазкур клуб қатнашчилари асосан оила, муомала маданияти, кийиниш одоби ва бошқа мавзуларда эркин фикрларини баён этадилар. Баҳс, мунозаралар эса тўғри фикрни юзага чиқаришда жуда асқотаяпти.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Тошкентда ўтказилган халқаро семинарда Ўзбекистон аёлларининг репродуктив саломатлиги ва уларни ҳал этиш муаммолари кўриб чиқилди. Семинарда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, шунингдек АКШ ва Мексика оила тадқиқотлари институтлари раҳбарлари ва бошқалар иштирок этишди.

АКШ оила тадқиқотлари институти директори Генри Дэвид учрашувни очиб, республика аёлларининг репродуктив саломатлиги муаммоларини ҳал этишда ўзбек халқининг миллий урф-одатларини, болалар ва ёшлар тарбиясидаги ўзига хослиқни, ушбу минтақа аҳолисининг менталитетини албатта ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлади. У жорий йилнинг июл ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» эи Қарорга ижобий баҳо берди.

— Ушбу Қарорни бажариш учун ҳомиладор ва янги қўзи ёриган аёлларга тиббиёт хизматлари сифатини кўтартириш, болалар ва турмуш муассасаларини замонвий ускуналар билан жиҳозлашни

қўзда тутувчи махсус дастур ишлаб чиқилди, — деди республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асомиддин Комилов. — Бундан ташқари, ўсмир қизлар ва туғиш ёшидаги аёллардаги экстрагенитал касалликларни даволаш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифалари белгиланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Иқбол Шох республикаимизнинг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари мутасаддиларига ЖССТнинг репродуктив саломатлик Департаментига кўриб чиқишга тақдим этиш учун аёллар саломатлиги муаммоларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш усуллари тўғрисида ахборот берди.

Гавард университетининг профессори Юэжин Бродди аёлларнинг репродуктив саломатлиги масалаларида эркакларнинг иштироки тўғрисида тўхталди. Хусусан у, Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатларда эркаклар контрацептивлардан фойдаланишга салбий муносабатда эканлигини қайд этди. Тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, эркакларни оилани режалаштиришга жалб этишда, соғлиқни сақлаш миллий тизимида репродуктив саломатлик хизматларининг бирлаштирилиши самарали усул ҳисобланади.

«Туркистон-пресс»

Нима? Қачон? Қасрда?

ЎСМИРЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридаги 8-бизнес мактабида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда республика Бош Прокуратураси билан ҳамкорликда «Баркамол авлод — келажакимиз пойдевори» мавзуида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорининг қабул қилинганлигига икки йил тўлди.

Айтиш жоизки, ўтган икки йил мобайнида вояга етмаганлар иши бўйича республика комиссияси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилди. Кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари ва бошқа тарбияланувчилари ҳамда таълим муассасалари ўқувчи-

ри устидан доимий назорат олиб борилди. Аҳолининг 44 фоиздан ортиқроғини ташкил қилаётган ўсмирлар ҳуқуқларининг таъминланиши, оилани мустаҳкамлаш ва соғлом авлодни тарбиялаш мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Шулар эътиборга олинган ҳолда ҳокимликлар қошидаги комиссиялар, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар ва бошқа вазирликларнинг тегишли таркибий тузилмалари фаолияти мувофиқлаштирилиб берилмоқда.

Анжуманда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар кўпгина давлат ҳамда жамоат бирлашмалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини самарали йўлга қўйиш юзасидан фикрлашиб олишди.

«Туркистон-пресс»





Ниҳоят кўп йиллик меҳнатлар, тинимсиз изланишлар ўз самарасини берди. Президентимиз Фармони билан Ўзбек Миллий Академик драма театри актрисаси Муқаддас Холиқова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. У «Нажот истаб» спектаклида — қайнона, «Жар»да — Марина, «Шайтон фаришта»да — Нафиса, «Қаллик ўйини»да — Холбека образлари орқали ҳалқимизга яхши таниш. Севимли актрисамизни унвон билан қутлаб суҳбатга қорладик...

- Кеча сизни йўқлаб ўйингизга кўнгирик қилсам, қизингиз "ойим келин саломга кетди, кечроқ кайтади", - деган жавобни берди. Ҳам театр, рўзгор, тирикчилик ташвишларини бирга олиб бориш битта аёл бошингизга оғирлик қилмайдими?

- Ҳеч яширишнинг ҳождати йўқ, синглим. Не-не орзу-умидлар билан дастурхон ёзиб, тўй бераётган юртдошларимиз учун беминнат хизмат қилишни ўзим учун бурч, деб биламан.

- Кўшиқ ҳам айтасизми?
- Йўқ, кўшиқ айтмайман-у, аммо давранинг файзли ўтиши учун жону-жаҳоним билан тиришаман.

- Сир бўлмаса Муқаддас Холиқованинг болалиқдаги муҳаббат изтироблари қандай кечган?

- Вой сингилжоним-а. Мен ёшлигимда синфимиздаги қизларнинг ичиде энг барвастаси бўлганим учун йигитлар севги изхор қилишдан қўрқаршарди. Чунки бир-иккитасининг бошига сумкам билан тушириб қолганидан кейин

САҲНА — ЭНГ КАТТА ҲАЁТ

бундай воқеаларга барҳам берилган (қулади).

- Турмуш ўртоғингиз Адҳам ака бошига сумка тушиб қолишидан кўрмаганими?

- Йўқ-э, Адҳам акамнинг сумкаси бошимга тушиб қолишидан кўрканимдан унга турмушга чиққанман, (қулади). Мен театрда ишлаб юрган кезларим Адҳам акамнинг бошига бир ташвиш тушган экан. Мен ҳар куни сахнада рол ижро этаётганимда кўзим бир чеккада хомуш бўлиб турган йигитга тушарди-ю, юрагимда нимадир "чирт" этиб узилгандек бўларди. Мен "Нега бу одам ҳар куни театрга келар-верари. Шунчалик бекорчим", - деган саволни ўз-ўзимга бера-верардим. Кейинроқ билсам, турмуш ўртоғим бошига тушган ташвишлардан ўзини овутиш, дардларига, юрагига йиғилиб ётган саволларига жавоб топиш мақсадида театрдан нажот истаб келаркан. Айни ижодга шўнги-ган пайтларим Адҳам акам томонидан келган совчилар фикримни бузиб юборди. Кейинроқ билсам, биз бир маҳаллада яшар эканмиз-у, бир-биримизни яхши танимас эканмиз.

- Турмуш ўртоғингиз сахнадаги Муқаддасга ошиқ бўлганими? Ёки оила куриш истагига юрган қизалоққа?

- Аввалига мен ижро этган ролларимга ўрганиб қолиб, келиб юрганлар. Сўнгра юриш-туриш-имини, сахнадан ташқаридаги ҳаётда ўзимни қандай тутишимдан ҳаётда топиб ўзимга ҳам ошиқ бўлиб қолганлар.

- Ойлада, кўча-кўй, қариндош-уруғлар даврасида ҳам ўзингизни санъаткорман, деб ҳис қиласизми? Ёки...

- Йўқ, ойлада оддий аёлман. Керак бўлса рўзгор учун картошка-ю, пиёз ташийман. Куз фасли келди дегунча барча аёллар қатори бонкаларга туз-ламалар, икралар ёпаман. Лекин санъаткор кўча-кўйдаги ўзини тутишлари-ю, кийинишлари билан ҳам бошқалардан ажралиб туриши керак. Ойласида, жамоа орасида бўлиб тура-диган воқеаларни "очил дастурхон" қилиб, кўчама-кўча таш-малаб юрадиган аёлларни хур-мат қилмайман.

- Оминахон, Зебуннисо, Гулжаҳон исмли қизларингиз

бор экан. Улар ҳам санъатни оналари каби қадрлашадими?

- Фарзанларим ҳам санъатни севишади. Улар орасидаги фарқ атиги 1, 1,5 ёш. Ёшлиқларида Зта бутилкага сут қуйиб исмларининг бош ҳарфларини бутилкаларга ёзиб қўйиб, сўнгра сценарий матнини ёдлашга тушардим. Қизларимнинг биттаси йиғлаб қолса: "Адаси сутни келтиринг", - десам хўжайиним: "О" ними, "З" ними, дея сўрардилар. Зебуннисо қизимга сутини ичи-риб, эндигина ухлатсам, Гулжа-

ги керак. Менинг энг катта бахтим — тушунган инсонга турмушга чиқганимда бўлса керак. Бир куни кичик қизим жуда ҳам оғир касалга чалиниб жонларини тиртиш бўлимига тушиб қолди. Унинг тақдири ҳал бўлаётган дақиқаларда мен "Жиноят устида ушлан-

син" спектаклида рол ижро этишим керак эди. Тақдир мени оилам билан театр ўртасидаги сахнага ташлаб қўйиб, ҳукм чиқаришни ўзимдан кутди. Шунда турмуш ўртоғимнинг: "Муқаддасхон, сиз хотиржам сахнага чиқаверинг, болага ўзим қарай-



Муқаддас Холиқова Эркин Хушвақтовнинг «Қаллик ўйини» спектаклида — Холбека образида (чапда), Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова — она образида.

хон қизим йиғини бошлаб қоларди. Адаси энди "Т"ни келтиринг дердим. Шу тариха фарзандларимни ҳам оёққа қўйиб олдим. Ҳозир улар уй юмушларини мендан "тортиб" олишган. Хотиржам ижод қиладиган даврим энди келди.

- Ҳаётимизда инсон қандайдари даража ва мавқега эришиши учун нимаданбир воз кечиши керак, деган ақида бор. Сиз бунга қандай қарайсиз?

- Ҳар кимнинг ўз дунёқарши, шунга мос тарзда яратилган ҳаёт тарзи бўлади. Баъзан ҳаёт энг азиз нарсалардан кечиб яшашга мажбур қилиб қўяди. Лекин бу кўр-кўрона бўлмасли-

ман, ҳали ҳаммаси яхши бўлади", - дея айтган бир оғиз гапи мени жар ёқасидан қайтариб қолди. Кўп ўтмай қизим ҳам оёққа туриб кетди.

- Театрда интизом шунчалар қаттиқми? Ахир сиз ўша куни сахнага чиқмай қўйишингиз ҳам мумкин эди-ку!..

- Сахна, бу энг катта ҳаёт. У оила, рўзгор билан ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайди. Унинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган қонун-қоидалари бор. Санъат майдони-га кирдингни, сахнага бутун ғам-ташвишларингни унутиб чиқишинг керак. Йиғлаш керак бўлган образни қулиб, кулиш керак бўлган образни йиғлаб ўтказишга ҳақингиз йўқ.

- Сиз ҳаётда эркин инсонман, хоҳлаган ишимни қила оламан, деб ўйлайсизми?

- Йўқ. Мен ўта эркин инсон эмасман. Театрда режиссёрга, оилада турмуш ўртоғимга бўйсунушга, улар билан мас-лаҳатлашган ҳолда иш тутиш-га ўрганганман. Ва бундан ҳеч қачон афсусланмайман.

- Нега баъзи бир кишилар ҳалол йўл билан пул топиш мушкул, деб ўйлашади?

- Ҳар ким бошидан ўтганини ўзи билади. Битта маошга қараб ўтираверсангиз кўнги-гиз ўтмайди. Ўра деган билан оғиз чучимаса қийин. Мен ҳам те-атрдан ортган пайтларим ра-диога, телевидениега бориб ишлайман. Ишқилиб болала-римнинг ризку насибасини ҳалоллаб топишга ҳаракат қиламан. Айтишади-ку, сендан ҳаракат, мендан баракат деб.

Фарзандларим ёшлигида уйда ўтирганимда турмуш ўртоғим тинимсиз меҳнат қилди. Бир ўзи рўзгор тебратди. Мана, кўп ўтмай уларнинг ёни-га мен кирдим. Баъзи аёллар озгина кўпроқ маош олишса эрларининг бошларини ур-масдан ёришга уста бўлишади. Ойлада сенки, меники деган гап бўлмаслиги керак.

- Сизнинг бу дунёда бору-йўғингиз билан ҳеч ким қизиқмаса, фикрларингиз-га қулоқ тутмаса қандай аҳволга тушасиз?

- О, инсон учун бундан катта бахтсизлик бўлмаса керак. Эл назаридан қолишдан асрасин. Мен ҳали бундай ҳолатни бо-шимдан кечирмадим. Лекин фараз қилиб кўрдим ва атро-фимда ҳеч қачон мени ёлғиз-латиб қўймайдиган дўсту бир-дорларим борлигидан кўнглим хотиржам бўлди. Ўйлаб кўринг, ҳаммадан холи, ғаму ташвиш-сиз, бир чеккада ҳеч кимга ке-рагингиз бўлмай яшаш - бу чи-накам фожеа-ку. Одам ҳаммаша бошқаларга меҳр кўрсатиб, бошқаларнинг муҳаббати таф-ти остида яшаши керак.

- Муҳаббатнинг сеҳрли ола-ми сизни ҳаммаша ўзига маф-тун этиб тураверсин. Биз мухлислар ўзбек театр сах-насида бахтиёр келин, меҳ-рибон қайнона образлари кўпайишини кутиб қоламиз.

Нигора Йўлдошева
суҳбатлашди

АЁЛ НОЗИК ХИЛҚАТ

Халқимизда аёллар ҳақида, ме-тиндек мустаҳкам ёки тошдан-да каттиқ, аммо гулдан нозик деган ибора бор. Тўғри, аёлла-римиз "тенг ҳуқуқлилик" тао-милига кўра эркаклар ўзлари зўрга эгланашган оғир ишлар-да, жумладан заводларда, темир йўлларда ҳам ишла-тир. Аммо, шахсан мен бунга қаршиман. Аёлни

асраш керак, ахир у авлодлар занжирини улаб берувчи бир сеҳрлар жонзот.

Кўп йиллардан бери қорхонада хотин-қизлар кўмитасини бош-қарар эканман, юқридаги фикр ва мулоҳазалар доим диққат мар-казида бўлади. Бу эса масалалга тўғри ёндашиш, ишчи тўғри таш-кил этилишида ёрдам беради. Уму-ман қорхонамизда бир ярим минг-дан зиёд киши ишласа, шундан тенг ярми хотин-қизлар. Жуда нозик нарса — чинни ишлаб чи-қарамиз. Аммо, меҳнатшас аёл, унинг кўнгли бундан-да нозик.

Эсимда, бундан ўн йиллар бу-рун ишга янги келган бир қизи-миз тахтлаш жараёнида бир-иқи-та пиёланги синдиргани учун раҳ-баримиздан жуда каттиқ таъна-

дашном эшитди. Қизнинг маҳзун чекрасига жуда раҳмим келди. Син-ган кўнгли ойнасини энди тиклаш мушкул эди. Барибир, ўзимни ту-тиб тура олмадим. Бироздан сўнг раҳбарнинг хонасига кириб, роса тортишдим. "Сизнинг чинни пиё-лангиз нозик бўлса, аёл қалби ун-

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятидан

дан-да нозик. Пиёлани чегириш, елимлаш мумкин, бироқ чил-чил бўлган аёл қалбини, кўнглини чегалаб ўз холига қайтариб бўлмайди, ука", - деб койган бўлдим. У киши ҳам тушунди, кўнглини ўртасида ўша қиздан уэр сурди.

Шу-шу қорхонада аёлларнинг яқин ҳимоячисига айландим. Ҳозир ҳам фикру ҳаёлим улар-нинг иш шариоти, оиласи таш-виши билан банд. Жумладан, қис-қартирилган иш вақти асосида меҳнат қилаётган аёлларимиз 30 минг сўм атрофида маош олиша-ёттир. Бундан ташқари дам олиш, ювиниш хоналари ишлаб туриб-ди. Тиббий ёрдам курсатиш пун-ктида терапевт, тиш доктори, фи-зиотерапевт ва гигиена хоналари

мавжуд эди-ю, аёллар гигиенаси, гинекология хоналари йўқ эди.

Шуларни ҳам очишга эришдик.

Аёлларимиз оғир ишлардан мутлақо озод қилинган. Қар-ийиб барча ишлар техника кучи билан амалга оширилади. Аёлларга турли имтиёزلарни таъминловчи маъмуриятнинг махсус қарори қабул қилинган.

Шунга кўра қизлар турмушга чиқаётган бўлса, аввало бир

ойлик маоши миқдорида муко-фот берилади, сўнгра уч иш ку-нига ҳақ тўланадиган таътил берилади. Байрам ва туғилган кунларда эса уларга кўнгило-чар дастурлар тайёрлаймиз. Кўп болали, кам даромадли оила вакиллари ҳам доимий ёъзоз-да. Хатто, газ ва бошқа комму-нал тўловларни ҳам қорхона ҳисобидан тўлаб юборамиз. Курорт ва санаторияларга дои-мо йўлланмалар нақд. Хуллас, қорхонамизда аёллар иззат-икромда, ёъзозда.

С. НУРМАТОВА,
Самарқанд шаҳридаги
«Нафис» очик турдаги
акционерлик жамияти хотин-қизлар кўмитаси раиси

САРТАРОПЛАР СЎЗЛАСТ

Оллоҳнинг суйган бандалари деганда, фаррошлар ва сартарошлар тушунилар экан. Негаки, улар ер юзиде озодалик ва орасталлик каби иккита энг муҳим фарзни адо этишаркан. Эргаш бобо ҳам ана шундай тоифадаги кишилар-дан. Нафақат ўзи яшайдиган Ҳамид Олимжон номли маҳалла-да, балки бутун Жиззах шаҳрида у кишини жуда яхши танишади ва ҳурмат қилишади. Ахир, қўла-га қайчи ва тароқ, устара олгани-га мана 46 йил бўлибди. Бу давр ичиде неча минглаб бошлар та-рашланган, сайқал топган.

Эргаш бобо уч ўғил ва тўрт қиз-ни тарбиялаб, воғга етказди. Сар-тарошлиқдан топган ҳалол моюна-сига уларни бокди, едириб ичи-рди, кийинтирди. Палахон тошлар-и отилиб, тўрттала қиз ҳам тағ-ли-туғли жойларга тушиб, уйли-жойли бўлиб кетишди. Ўғиллар-га келганда эса, уч-чаласи ҳам ота касбини эгаллашди. Бошқа соҳа-га қизиқишмади, ўқилиш ҳам ҳара-кат қилишмади. Ҳозир уч-чала ўғил Жиззах шаҳрининг уч жойида оли-жаноб бу касбини ёъзозлаб, ота-ларига олқиш олиб беришаёттир. Жумладан, катта ўғли Илхом Бо-

бур маҳалласида, Жасур «Наврўз» маҳалласида, кичиги Холмурод ўзлари яшайтган Ҳамид Олимжон маҳалласида сартарошлик қилишмоқда. Эр-гаш бобо ҳар куни, кунора бир айланиб, шоғирд ўғилларнинг ишларини кузатиб келади.

Эргаш бобо Алиев 18 неваран-нинг буваси. Неваралар эса дои-мо чолнинг атрофида парво-на, хатто тўнғич невараси Шер-зод ҳам бу касбга ҳавасманд, сар-тарош бўлмоқчи.

- Нега бу касбни танлагингиз?- севингани сўрайман эндигина 16 ёшга кирган, оиланинг "эркаси" бўлган Холмуроддан.

- Тасаввур қилинг, сочлари пах-моқ, соч-соқоли ўсиқ бўлиб сар-тарошхонага кирган киши таниб бўлмаса даражада ўзгариб, ҳуш-сурат инсонга айланган ҳолда қичиб кетса, бундан зиёд завқ ва бахт борми?

Холмуроднинг гапларига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, ота касбини улуғла-ган киши бой бўлармиди, эл ич-ра ёъзоз топармиди. Илоҳо, шундай бўлсин!

Х. ҲАМРОЕВ

...Ҳали ҳамон эсимда. Уч-тўрт яшар пайтим. Тошкентнинг "Эски шаҳар" мавзесида истикомат қилар эдик. У пайтда усти очик ёзги кинотеатрлар бўлар эди. Кечкурун томоша кўрсатиларди. Шундан кунларнинг бирида отам мени ҳам кинога олиб бордилар. Елкаларида опичлаб кетар эканлар, йўл бўйи ўша кун кўрсатиладиган томоша ҳақида сўзлаб бердилар. Мен-ку ҳеч нарсани тушунмадим. Аммо кино санъатида бўлган қизиқишимга ўша кун асос солинган эди.

...Бола эдим. Кўп насихатлар бу қулоқдан кириб, иккинчидан чиқиб кетар эди. Кунларнинг бирида синфдошим билан бирга дарс қилмоқчи бўлдим. Уйинга берилиб кун кеч бўлганини билмай қолибман. Синфдошимнинг онаси ишдан қайтганча уйига кириб кетди. Мен уйга кеч қайтишдан кўнглим яна анча вақт кўчада туриб қолдим. Бу орада отам мени ҳаммаёқдан излаб, бу ерга ҳам келиб қолдилар. Мени кўрган, қойиш ўрнига кўчада юрган болаларга суюнчи улаша бошладилар. Ҳовлимиз пастиди боғимиз бўлганлиги боис мен кўчага кам чиқар эдим. Бу ҳол баъзи кўшни болалар жаҳлини чиқарар эди. Кунларнинг бирида кўшни бола уйнаб туриб кўзимга тупроқ сочиб юборди. Кўзимни очолмай қолдим. Кўзимни ювдим, бироқ оғриги кетмаган эди. Кечки таом пайтида отам менга эртак айтиб берар эканлар, оғриқни ҳам унутиб, овқатга иштаҳа билан киришдим. Отам эртак айтиб бериш ўрнида сўкиб, қойиб бериши мумкин эди. Отам кўшнига ва унинг эркактойига бир оғиз сўз демади. Эртасига кўшни аёл боласини етаклаб мени кўргани чикди ва кўз олдимда боласига танбех берди.

...Отам етимликда ўсиб, бошидан кўп қийинчиликлар ўтгани

боис бизларни ўқимишли, илмли бўлишимизни жуда истар эди. Онам олий ўқув юртига кирганлигим ҳақида суюниб айтганларида отам шошилиб кўчага чиқиб кетдилар. Кўп вақт ўтмай кўйилари тўла ширинлик билан кириб келар эканлар, "ҳаётинг ширин бўлсин", дея дуо қилдилар. Отам бизни ҳеч уришиб,

ди. Кўшнимизнинг эри урушда ҳалок бўлган. Шунда отам ҳовлимизда лой қилиб, томини суваб бердилар. Онам: "Ҳеч бўлмаса тупроқни ўзининг ҳовлисидан олсангиз бўларди. Ҳовлимиз чўнқир бўлиб қолди", деганларида, отажоним: "Майли, зарари йўқ, ерни суриб чоғилса бир кунда тўлиб кетади", - дея жавоб бер-

кидлашни хуш кўрардилар. Шунга кўра бизлар ҳам дуч келган ишни иккиланмай бажаришга ўрганган эдик. Олийгоҳнинг учинчи курсида ўқиётган даврим. Уйлари яхшилаб таъмирламоқчи бўлдим. Соат учларда олий-

ган ишларга узок тикилдилар. Кўнгилларидан не кечганлиги ёлғиз Аллоҳга аён. Шу ҳолда мени ёнларига чақириб, бир неча насихат қилдилар. Аввало боғнинг бирор бўлагини ҳам

сотмаслигини тайинладилар. Оч қолган тақдиримда ҳам, ишлай олмаган тақдиримда ҳам ерни сотмаслиқни қайта-қайта уқтирдилар.

Ўша кун отам эски кўлзмада ёзилган бир неча китобларни эҳтиёт қилишни ҳам тайинладилар. Кейинроқ ушбу китобларни ўқир эканман, бу бебаҳо бойлик отам учун бу қадар қадрли бўлганлигини тушунгандек бўлдим. Шундан бери мен учун ер ва китоб бирдек азиз. Зеро, ерни азиз қилган, қадрлаган одам Ватанига ҳам содиқ бўлиши, хор бўлмаслиги, китобни севган одам илм нуридан баҳраманд бўлишини отам ўзлари тушуниб, менга ўргатган эканлар.

Орадан йиллар ўтар экан, ўзим ҳам ота бўлдим. Фарзандларим воғга етди. Отамдан олган сабоқларимни таҳлил қилиб ишаммоқдам. Ҳаёт мураккаб. Унинг муаммоларини еча олмай қолганимда отам ёрдамга шошиладилар. Ўша кун уларнинг руҳи покларини тушимда кўраман. Отамнинг чехраларига алоҳида эътибор бераман. Агар қулиб турган бўлсалар — қилаётган ишим тўғри, оқибати хайрли бўлишига бир далил. Агар хо-мушроқ кўринсалар барча ишларимни қайта мушоҳада қилиб кўраман. Натижада рўй бериши мумкин бўлган қийинчилик ва кўнгилсизлик олди олинади. Мана шундай. Фарзандлар учун ота сабоғи шу қадар азиз ва ниҳоятда зарур. Фақат уни тушуниб, таҳлил қила билмоқ лозим. Шундангина умр йўлларида ҳеч вақт қўқилмайми.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

ҲАЁТИМИЗ ШИРИНЛИГИ ОТА БИЛАН



сўкмаганлар. Балки қизиқарли ривоятларни ҳикоя қилиш орқали хатоимизни тушунтирар эдилар. Асосан онани рози қилиш, хизматини адо этиш тўғрисида насихат қилар эдилар. Бирон марта ҳам онам ҳақида салбий гап айтмаганлар. Бугун мен ҳам фарзандларимга қаттиқ гапирмайман.

...Отам кўшни ҳақида риоя қилиш, уларнинг дилини ранжитиб кўймаслиқни доим уқтирдилар. Болалик пайтимизда, кўшнимизнинг бизга орқа ўғириб солинган уйи бор эди. У пайтда шифер, тунақалар кам бўлиб, асосан томлар лой сувоқ қилинар эди. Бахорда ёмғир кўпайиб, кўшни томидан чакка ўтиб кет-

ган эдилар. Йиллар ўтгач, мен ҳам кўшниларга қаттиқ гапирар эдим, улар нима деса "тўғри" дейдиган бўлиб қолдим. Боғимизда бир-биридан ширин мевалар ўсарди. Ҳосилнинг аввалини кўшниларга чиқарамиз. Айниқса балхи тугимизнинг ҳосили жуда ҳам ширин эди. Бир кун ён кўшнимиз ушбу туг дарахтимиз ерига соя солаётгани, меvasи ҳовлисидан шира қилиб обораётганлигидан шикоят қилиб, уни қирқиб олишимни сўради. Ўзи ҳам ёрдамла-лашганини айтди. Мен аввал шохларини кесдим, сўнгра кўшни билан тугни тепасини йиқитаётганимизда, боғда шафтоли териб юрган отам бир ўғирилиб қарадилару, ҳеч нима демадилар. Бу қарашини маъносини тушунмадим. Дарахтни кес-шига қаршилиқ қилмадилар. Аммо қарашмадилар ҳам. Кейинроқ билсам, отам кўшнини хафа қилишни истаманлару, бироқ кесилган дарахт учун мотамсара бўлиб юрган эканлар. Оталар бо-шида ҳам кўшниларни хафа қилмаслик, ҳам боғни обод қилишдек масъулият бўлишларини қайдан билибман.


...Отам: "Ҳалол меҳнат қилиб топан бир бурда нонинг ўзгаларнинг ёғли паловидан афзал эканлигини унутма", - дея таъ-

гоҳдан келиб овқатланиб олгач, сувоқ ишларини бошладим. Соат ўнга яқинлашганда отажоним олдимга келиб шуни тўхта-тишимни илтимоас қилдилар. Мен ҳали лойим борлиги, яна бир оз ишлашим зарурлигини айтдим. Шунда отам: "Ишингни тўхтата қолгин, эртага давом эттирасан. Барибир иш ҳеч қачон тугамайди", - дедилар. Бу гапни кўп такрорлашни хуш кўрардилар. Бу рост гапнинг қийматида энди етаяпман. Ўзлари заҳмат чекиб ишласалар-да, менинг ишдан беэиб қолишимни истаман эканлар. Чорак асрдан зиёд ишлайман. Аммо иш қўлай-са қўпаядики, асло қамаймайди. Энди болаларим завқ билан иш-лашимдан хайрон бўлишади. Ахир ишдан беэиб қолганимда меҳнат завқидан маҳрум бўлардим-да. Ҳозир мен ҳам болаларимга ишни кўрсатаман-у, муддатини тайинлаб шоширмайман. Ишни хом қилган тақдирда ҳам уларни саботайман. Бу энди — олган сабоғимнинг амалий машғулот бўлса ажаб эмас.

...Дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Отам ҳам бир кам саксонга чиққанларида касал бўлиб қолди-лар. Дардни мардона енгар эканлар, сўнгги бор боғга биргала-шиб кирдик. Нок дарахтининг та-гига қўрпача солиб, ёстик қўйиб бердим. Шу жойда бир неча соат ором олдилар. Нок, шафтолилардан истеъмол қилдилар. Ёнбош-лаб ётган ҳолда боғга, чала қол-

ДОИМО КЎНГЛИМГА ҚАРАРАМАН...

ДАДАЖОНИМ - ШОИР АЪЗАМ ЎКТАМНИ ЭСЛАБ...



Кеч кузда англабман
кўклам кетганин,
Юксакдан қулаган
барглар қарганар.
Наҳотки шу
манглайимга битгани,
Қалдирғочларим йўқ,
нукул қарғалар.
Ўз ҳолимга қўйинг
хайқирай бир бор,
Босиб дайди
шамолларнинг хуштагин.
"Эй баҳор, ҳей баҳор,
оҳ баҳор,
Кетма, менинг
юрагимда қишлагин.

Дадам шу шеърини ёзиб ўқиб берганларида борлиқ ҳали қиш ҳукмида, оппоқ қор билан қопланган эди. Дадам шеърининг охириги сатрларини ўқиётганларида овозлари титраб чиқди. Кейин шеър ҳақида гаплаша бошладик. Дадам: "Шеърни ўқиб берсам, аянг йиғлади. Ўзим

ҳам шеърни жуда зўр ёзибман-да. Лекин ҳали кўнглим тўлмаяпти. Чунки унинг сарлавҳаси йўқ. Сарлавҳасиз шеърдан кўнглим тўлмайди", дедилар. Минг афсуски, дадамга на баҳорни кўриш, на сўнгги шеърга сарлавҳа қўйиш насиб этди. Январнинг қор босган сўнгги кунларида суянган тоғим - дадажонимдан, ўзбек шеър-яти эса Аъзам Ўктам отлиғ ўктам ва дилбар шоиридан жудо бўлди.

Кўринишидан салобатли, жиддий дадажонимнинг биз - болаларга меҳри бўлакча эди. Дадам болалиқнинг барча шўхликлари, тўполонларини кўтарар, биз билан бирга қувонар эдилар. Гира-шира эслайман, ҳали кичкина бўлсам ҳам, дадажоним менга шеър ўқиб берадилар. Мен тугилганимда ёзилган "Қизимга ҳасрат" шеърини ўқиганларида дадамдан олдин айтиб турардим.

Ойга ўхшайди-я жужуқ юзларинг,
Ҳеч бир лугатда йўқ ширин сўзларинг.
Мунча хайрон бўлиб тикма кўзларинг,
Қарашга дов бермас юрагим Тумор.
Дадам гўдақлигимдан газета ва журнал тахририятларига, учрашувларга ўзлари билан бирга олиб борар эдилар. Болалигимдан бирон хато иш қилиб қўйсам қаттиққўл бўлганликларини учун аямдан қўчиб турардим. Дадажоним эса аксинча менинг айбимни яшириб, доимо кўнглимга қарар эдилар. Дадам иккаламизнинг жўр бўлиб ўқийдиган шеърларимиз, қўй-лайдиган қўшиқларимиз, бирон нарсасиниши билан тугайдиган уйин-

ларимиз бўлар-ди.

Аямнинг ғашлари келса дадажоним қотиб-қотиб қулардилар. Кўпинча ерда ётиб шеър ёзишни яхши кўрардилар. Темур иккаламиз елкаларига чиқиб от-от ўйнасак ҳам уришмасдилар, танбех бермасдилар. Барча эркалигимиз, инжиклигимизни кўтарар эдилар. Биз ҳақимизда «Қанотларим» деган шеър ёзгандилар.

Кўзгинамнинг оқи — Тўмарис

Темур — кўзимнинг қораси.
Бири ёвим қирав, бириси қарғар,
Униси лочиним, буниси гулим.
У мағрур боксга, бу жовдирав қарар,
У бирла умр хуш, бу бирла ўлим.


Ёлғиз Оллоҳ эрур қодир билганим
Мудом сидқу тавфиқ тиларим шундан.
Удир тобуткашим, будир йиғичим
Ундан умид қилиб, кўрқаман бундан.

Шеър ёзилган пайтлари гўдақлигимизга бориб унинг мазмунига тушунмаганмиз. Темур иккаламиз. "Оқи мен, қораси сен", деб талашардик. Дадам хоҳлаб қулардилар. "Бу кўзим — Тўмарис, бу кўзим — Темур" деб кўзларини биз иккимизга бўлиб берадилар.

Бу эсдаликлар болалиқнинг ҳеч тугамайдиган эртакларидир. Дадам қиш, совуқни ёқтирмадилар. Изгири авжига чиққан, борлиқни оппоқ қор қоплаган, қишнинг қора кунларидан бирида дадажоним бу ёруғ дунёни тарк этдилар. Ажабо, наҳотки бу баҳорни кўриш насиб этмаслигини дадажоним сезган бўлсалар. Дадажоним вафот этмаганларида тўртинчи октябр кун 42 ёшга тўлар эдилар. Дадажонимнинг руҳлари шод бўлиб, жойларида тинч ётсалар, биз фарзандлар дуои-фотихаларида бўлаверамиз.

ТҮМАРИС

СОЧ ЭМАС БУ...



НОН ҚАДРИ

Чорсудан чиқиб, пидёда Универсам томон кетаётган автобус бекатига етганда йўл четроғига ташланган сеткадан тўкилиб, ерда чангга беланиб ётган оппоқ, қотган нонларга кўзим тушди. Юрагим жижиллаб кетди. Нонни олишни ҳам, олмасликни ҳам билмадим. Оёқларим юргиси келмай юрагимда бир тугун пайдо бўлди. Нонларни ахлатдан олай десам, бекатдаги одамлардан уялдим. Агар энгашиб нонларни олсам, мени кузатиб турган одамлар: "Ана у одам кўринишдан туپ-тузуққа ўхшайди-ю, ахлатни титкиляпти", деб ўйламоқчи бўлган ҳаёл билан секин ўтиб кета бошладим. Аммо, нонларни олмаганим учун виждоним қўнайлар эди. Нонлар орқамдан менга: "Амакижон, бизларни бу ердан олиб кетинг, машиналар, одамлар босиб кетаяпти" - деяётгандек бўлар эди. Шу ҳаёллар билан бекатдан 15-20 метрча ўтгач, тўхтаб орқамга қайтдим. Бекатда автобус кутиб турган икки қария менинг орқамга қайтганимни кўриб: "Ҳа, тақсир, орқага қайтдингиз, бирон нарсангизни тушириб қўйдингизми?", - дейишди. Мен шошиб: "Ҳозир", - дедим-да, ўша ахлатлар орасида ётган сетка олдиға бориб, ердаги нонларни чанглари пифлаб олдим-да, яна ўз йўлимда давом этдим. Ўзимни енгил ҳис этиб, юрагимдаги тугун ҳам ечилгандай бўлди. Халиги қариялар ердаги нонни олганимни кўриб: "Э, тақсир, раҳмат сизга, бир савоб иш қилдингиз-да", деб руҳини кўтаришди. Ўзим ҳам бу ишимдан ва қарияларнинг гапидан хурсанд бўлиб уйга кетдим.

Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, республикамиз галла мустақиллигига эришди. Ўз она заминимизда етиштирилаётган ўз галламиз билан яшаймиз. Халқимизга қўшимча томорқалар ажратиб берилди. Ғалланинг янги-янги серхосил, эртапишар навлари яратилди. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз туфайли. Бунинг қадрига етайлик. Ҳар бир нарсани ақл тарозиси билан ўлчаб, кейин фикрласак тўғри бўлар эди. Шунда ноҳақ нолишларга ўрин қолмас эди. Ахир ғалла ҳам, ун ҳам, нонлар ҳам тайёр ҳолда осмондан тушмайди-ку.

Ҳазрат Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом ўзининг ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилдилар: "Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, синхор қашшоқликка тушмайди", ёки "Енглари, ичинглар, садақа қилинглари, аммо исрофгарчиликка ўтманглари", дейди. Дуконларга кирсангиз, бозорларга борсангиз ўз хил чиройли оппоқ бўрсилдоқ нонларни кўриб кўзингиз, дилингиз яшнаб кетади, уларнинг хушбўй хидидан лаззатланиб роҳат қиласиз.

Азиз юртдошлар, ҳаётимиз манбаи, танзимизга куч-қувват бағишлаган ана шу улўф неъмат - ноннинг бир тилламини ҳам исроф қилмай эъозлайлик. Ёшларимизни ҳам шу азиз нонни ҳурмат қилишга, қадрлашга ўргатайлик. Бу ишда ҳурматли қарияларимизнинг алоҳида ўрни бўлиши лозим. Ёшларимизга, ўз фарзандларимизга ота-боболаримиз қўлаб келган миллий анъаналар асосида тарбия бериб борсак, уларнинг онгига "нонни исроф қилма, ушоғи оёқ остига тушмасин, гуноҳ бўлади, кўр қилади уни боссанг" деган ўғитларини сингдириб борсак яхши бўлар эди.

Кодир ШОКИРОВ

Меҳнат факрийси.
Самарқанд вилояти
Пахтачи тумани.

Мен Автомобил йўллар институтида ўқийман. Оғайним бир кун илтимос билан келиб: "Комил, бугун менинг ўрнимга бир жойга бориб кел", деди. Мен рози бўлдим. У бир киз билан телефон орқали танишибди. Исми Нодира экан. Энди биринчи бор

ДЎСТИМ ДЕБ ЎЗИМГА ЁР ТОПДИМ

кўришиш учун мени юборди. Мен у қизнинг ўқиш жойига борсам, қизлар тўпланиб гаплашаётган экан. Секин олди-ларига бордим: "Кечирасизлар, орангизда Нодира деган киз борми?" деб сўрадим. Бир киз: "Уни кими бўласиз?" деди. Мен: "Бир таниши бўламан, аммо уни кўрмаганман", десам, яна бир киз: "Телефонда танишингизми?",

деди. Мен: "Ҳа", - дедим. Кейин қизлар: "Нодира деган киз йўқ", дейишди. Уларни узоқдан кузатдим. "Телефонда танишингизми?" деган киз ҳали дарсга кирмаган эди. Унинг олди-дига бориб: "Сизимсиз Нодира?" - деб сўрадим. У

шартта:

- Ҳа, менман Нодира, - деб жавоб қайтарди.

- Нега боя «Нодира деган киз йўқ», - дедингиз? - десам: "Қизлардан қайси", - деб айтди. Кейин 2 та бола келиб уни дарсга қақириб кетди. Мен уни кутиб туришимни айтдим. Дарсдан сўнг у билан айланишга бордик. Мен унга ҳақиқий

исминни айтдим. У эса: "Мен Нодира эмасман, Умидаман" деса бўладими. Мен ундан: "Ким Нодира?", десам, у: "Билмайман", деди. Биз бировларнинг севгиси деб иккимиз 2-3 марта учрашиб юрдик. Мен унга эрқаланиб хато иш қилиб

қўйдим. Унинг жажли чиқиб: "Бошқа менинг олдимга келманг!" деди. Энди нима қилишни, қандай чора кўришни билмай қолдим. Умида, йўл қўйган хатоим учун сен мени кечира оласанми? Олдинга борайми ёки бормайми? Мен сени севаман...

КОМИЛ

Тошкент

ҲАММАРАМНИНГ АЙТГАН ПУТКА?

Вилоятимизнинг Пешку туманида яшайдиган узоқ бир қариндошимиз кизи Замирани ўзларига қўшни яшайдиган бир йигитга турмушга узатишди. Йигит аякка ягона ўғил бўлиб, оилада эркаклик ҳуқуқидан таъминланган бегона, онасининг қўли экан. Бу оилада ота «латта», хотин «катта» экан. Замира туман банкда ишлар эди. У ойлик маошини олиб келиб қайнонасига берганида, қайнона "келиним менга ойлигини тўла бермади", деган ғаразли ўй билан корхонага борибди ва қанча маош олганини текширибди. Замиранинг шаънини тўққани етмаганидек, ҳар хил ёлгон-яшиқ гаплар тўкиб уни ўғлига урдирган. Қирқ кунлик келин бундай калтаклашишларга чидамас,

онасиникига кетиб қолибди. У: "Агарда эр зоти шундай бўлса бу дунёдан ёлғиз ўтаман. Эрим билан ярашмайман", деб аҳд қилган. Ёшгина бир оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлган золим қайнона эса, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек таралла-бедод қилиб юрибди.

Замиранинг ота-онаси ҳам ўзлари қилган нарсаларини қудасиникидан олиб келишди. Шундай қилиб арзимаган маошдан чиққан майда гап туфайли битта оила барбод бўлди. Замиранинг айби бетта чопмаслиги, одоблиги-ю, хушмуомалалигида, бўлса керак, деб ўйлайман. Мен ана шундай золим қайноналарга мўйин-қобил, ақли қизлар келин бўлиб тушишидан ҳайратландим. Аксинча бундай Замиранинг қайноналарга "Офат", қайнонасини ўтиргизиб тургизадиган келинлар учраса, шундагина улар яхши билан ёмоннинг фарқиға боришарди.

Нарзижон ая
МУХТОРОВА
Бухоро шаҳри



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари



КУЛИМСИРАБ БОШЛАДИНГ ЙЎЛГА

Болалигимда жуда шўх ва қайсар бўлганлигим туфайли ёки бошқа сабаб учунми 11 ёшда кулоғим қаттиқ оғриб операцияга тушиб қолдим. Шифохонадан соғу-солмоат чиқдим, лекин эшитиш бахтидан маҳрум бўлгандим. Ота-онам кулоғим эшитиши учун кўллари билан келган чораларини кўришди. Кулоғим оғирлигига қарамадан мени яхши тарбия қилишди. Худога шукр, одамлар хавас қилса ариғудек хунарим бор. Менга ўз хунарини эринмай ўргатиб, уста даражасига етказган устозим Исмоил акамга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Мени кўпдан бери бир муаммо қийнайди. Кулоғим оғирлиги туфайли ҳали бирорта қизга кўнглим оча олмадим. Яқинда чевар хо-

ламникига шим тиктириш учун боргандим. Холам бозорга кетган бўлиб; уйда қизи, ўғли ва шогирд қизлар ҳам бор экан. Холамнинг келишини кутиб ўтириб қизлар билан танишиб олдим. 17 ёшли Гулшода исмли қиз ўзининг қаққонлиги, очик юзлилиги ва ибоб-хаёси билан мени ўзи-га жалб этди. Ўша кундан бошлаб кўнглимда қандайдир илиқлик пайдо бўлди. У ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилардим, лекин унинг илиқ чехраси кўз олдимдан сира кетмасди. Шоирнинг ушбу мисраларини такрор-такрор ўқирдим.

Учрадингиз гулзор ичида,

Кулимсираб бошладинг йўлга.

Шу ондаёқ ишқингни бериб,

Юрагимни олибсан қўлга.

Холамнинг уйи узоқ бўли-

шига қарамай тез-тез боришни одат қилдим. Чунки шу баҳона Гулшодани кўришни, у билан сўхбатлашни истардим. У эса мени кўриши билан ўзини четга олاردди. Чунки у ҳам менинг жисман ожизлигимдан хабар топган бўлса керак.

Азиз муштарийлар, орангизда яхши инсонлар жуда кўп. Балки кулоғи оғир бўлса операция қилиб ёки бошқа йўл биланми тузалганлар бордир? Мен севгимизга муҳаббат изҳор қилишдан олдин кулоғимнинг тузалишини жуда-жуда истайман. Бу борада мендан ўз маслаҳатларингизни аямайсизлар, деган умиддаман.

Лазиз НУРМАТОВ

Фарғона вилояти,
Данғара тумани,
Жар қишлоқ маҳалласи

ОПАМГА СОВЧИЛАР КЕЛМАЯПТИ

Ёшим 20 да. Оилада мендан катта иккита опам, иккита укам бор. Бундан икки йил олдин катта опамга совчилар кела бошлади, лекин келган совчиларнинг биронтаси ҳам уларга ёқмади. Энди мана икки йилдирки опамга совчи келмай қўйди. Менга эса кўнглимга ёққан жойлардан совчилар келаяпти. Келган совчиларнинг биттаси ота-онамга ҳам, менга ҳам жуда ёқди. Чунки улар қўшни маҳаллада яшовчи баобрў хонадондан. Ўғиллари ҳам келишган, бир кўрган одамнинг эътиборини тортадиган хушрўй йигит. Лекин мендан олдин иккита опам тургани сабабли ота-онам уларга розилик беришгани йўқ.

Одамзод бошига бахт қуши бир мартагина кўнади, ахир ўша бахтни кўлдан бой бер-

маслигимиз керак-ку! Ҳаёт йўлида бундай яхши инсонларни яна учратармиканман? Ана шу ҳадик мени қийнайди. Балки мен хато ўйлаётгандирман, балки ота-онам тўғри қилишаётгандир. Эҳтимол сиз ҳам бу қиз турмушга чиқишга намунча ошқаяпти, дея ўйлашингиз ҳам мумкин. Йўқ, ундай эмас, мен турмушга чиқишга шошаётганим йўқ. Лекин ким ҳам бахтли бўлишни истамайди, дейсиз. Фақат бир нарсадан — бундай имконият, қайта менга насиб этмаслигидан хавотирдаман. Азиз юртдошларим, мендан тўғри маслаҳатларингизни аямайсизлар, деган умиддаман.

Хоразм вилояти

М.

"ГАП"ДА ҲАМ
ЖОН БОР

Кейинги пайтда нафақат эркаклар, балки аёллар ўртасида ҳам минг турли йиғилишлар кўпайиб қолди. Синфдошлар, курсдошлар, ҳамкасблар, қариндошлар, қариндошлар, қўшнилари ўртасидаги "белгиланган график" бўйича ўтаётган бу каби туркум ўтиришлар баъзан "гап" деб ҳам аталади. Йиллаб бир-биринини кўрмайдиганлар, шу баҳона дийдорлашадилар. Баҳоли қудрат ёзилган дастурхон устида бутун дунё янгиликлари, юракдаги ҳасрату қувончлар кўнгли-га яқин дўгона ё қондошга тўкиб солинади.

Бир сўз билан айтганда бу каби "гап"лар ўзаро меҳр-оқибат, борди-кел-дининг муштақамлашишига замин яратади. Ким бемор, кимнинг бошида нима ташвишлари бор — шу даврада хабардор бўлинади. Қолаверса, рўзгор кул-қасб-кор азиятларидан толиққан аёллар учун бу бир ҳордиқ десак адашмай-миз.

Шу нарса равшанки, ақли аёлларнинг ҳаммаси камим бут, бирим икки бўлсин, дея олиб-югуради. Аммо, бир-икки ойлик маош билан арзигудай жиҳоз, тўй-тўноқ учун тузукроқ буюм сотиб олиш қийин. Ишбилармон аёллар аллақачон бунинг йўлини топадилар. Ҳалигина "гап"ларда имконият доирасида маълум миқдорда пул йиғилади. Худди "Чёрное кассо"дек. Арзимаган пуллар эса йиғилиб, навбати келганда каттароқ нарсалар харид қилиш оппа-осон бўлади.

Яна бунинг яхши томони шундаки, ихтиёрий, мажбурий "гап"ларда шу туфайли изчиллик бўлиб, прогнулларга йўл қўйилмайди.

Йиғилишимиз дастурхонига аввалгига тўрта нон, иккита қатик қўйишдан бошланганди, - дейди наманганлик факрий аёллардан бири Маърифатхон ая Устабоева. Кейинчалик шундай тўқин, чиройли бўла бошладики, ўзимиз ҳам хайрон қолдик. Меҳмоннинг ризқини Худо беради, деганлари шу-да. Бу ҳам бўлса замонамизнинг тинчлиги, бозорларимизнинг тўқинлигидан, албатта.

Хўш, бундай йиғилишларга эркакларимиз қандай қарайдилар? Улардан бири шундай фикр билдирди:

- Кўчадаги, уйдаги ҳисоб-сиз юмушларини тиндириб қўйгандан кейин аёлларимиз ўзига хос бамаъни даврада ойда икки-уч бор ҳордиқ чиқаришса, бунинг нимаси ёмон! Улар қанчалик шод-хуррам, соғлом бўлишса эркакларнинг, фарзандларнинг бахти-ку!

Рислиқхон МАЖНУНОВА
Наманган

ДУШАНБА 7

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Ташхилнома»
8.45 ТВ маркет
8.50 «Ўзбектеlevision» на мойиш: «Муслик оханглар»
9.05 «Камалат». Болалар учун кинодустури
9.40 «Ум маъини»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Бошқача хаёт». Бадий фильм
11.35 Ўзбекистон телерадиоканалининг жомо-асининг концерти
«Болалар сайраси»
12.05 1. «Улғайиш погонлари»
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин
13.05 Эстрада тароналари
13.30 «Ош» Телевизион
14.10 Осиё уйинлари кундалиги
14.25 «Сихат-саломатлик»
14.45 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури
15.20 Кундузи санас: «Мерос». Телевизион
16.35 «Ифтихор»
17.00 «Бир ахир фасл». Телевизион
17.20 «Бешбармок». Телевизион
18.10 «Оламини асранг»
18.30 «Мулк»
18.45 «Бахтли воқеа». Телевизион
19.15 Бир жуфт кушк
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталари
21.50 Бир ва банк хабарлари
20.30 «Ахборот»
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй»
21.55 «Спорт, спорт, спорт»
22.05 «Қиримиз аттирлуг». Бадий фильм
23.15 «Ахборот-дайдест»
23.25-23.40 Ватан тимсолари

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Қўрсатувлар дастури
9.00 Давр тоғи
10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта таннафус»
10.25 Саломатлик сирлари
10.45 Муслик халқлари
10.55 ТВ-анонс
11.00 «Давр» хафта ичида
11.30 «Доктор Финли». Телевизион
12.20 Давр-news
12.35 Қарияларни қадрлаш йили «Қадрият»
12.55 Болалар экран: «Рикки-Тики-Тави»
14.10 Қўна оханглар
14.20 ТВ-анонс
14.45 «Қўна охангларнинг суви ости саргулашлари»
Телевизион
15.15 Автосалтанат
15.30 «Халқат чегараси»
Сериал
15.55 «Чекки-соғлиққа зарар». Телевизион
16.05 «Уч ялос икки». Бадий фильм
17.25 Қўрсатувлар дастури
17.30 «Янги авлод» почтаси, болалар учун концерт
17.55 Мультифильм
18.05 ТВ-анонс
18.10 Тафаккур ёлқинлари
18.25 Спорт халқаномаси
18.40 Ошом навалари
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ-анонс
19.40 Қўна оханглар
19.50 Билди билиб бора-лар. Ўзбек кураши буюч IV жохон чемпионати
20.00 Ўшом овози
20.30 Савги тароналари
20.50, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.55 «Эсмеральда». Телевизион
21.30 Кишлордаги тенгдо-шлар
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Мухаббат халқаси»
Телевизион
23.10 «Ёшлар» телеканал-да спорт: Интерфутбол. Та-нафус лойида-23.55 Давр
1.00 - 1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Қўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт» - 1-қисм.
17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси
18.00 «Қўт 2», сериал
18.55 «Ошкони», муслик дастури
19.10 - Киновечер на «30-м»: «Заложники диволо», детектив
20.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
21.05 - «Клип-сова», теле-табринома
21.20 - «Спокойной ночи, малыши»
21.30 - Киновечер на «30-м»: «Ангели здесь не жи-вут», триллер
23.15 - Спорт на «30-м»
23.55-00.00 «Хайрли тун, шахрим!»
5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 17.00, 17.00 Новости
8.15 «Семейные узы» Сери-ал
9.10 «Что? Где? Когда?»
10.40 Детский сериал «Тви-ниси»
11.15 Фильм «Гонимы»
12.30 Человек и закон
14.15 Фильм «Мировой па-рень»
16.00 «Большая стирка» с Андреем Малаховым
17.15 «Кураири», Николай Оллин
17.45 «Ералаш»
18.00 Жди меня
19.00 «Что хочешь стать ми-лиционером?» Телеигра
20.00 Время
20.30 Детектив «Дронго»
21.35 Фильм «Время лю-бить»
22.35 «Другое время». Про-грамма
23.10 «На футболе» с Вик-тором Гусевым
23.40 Русский актрим
02:45 - 5.45 «Доброе утро, Россия»
05:45 Фильм «Место под солнцем»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал
6.30 - 8.00
16.30 Қўрсатувлар тартиби
16.35 «Вести»
16.50 «Мультифильм»
17.05 «Евроноос» янглик-лари
17.15 «Ўз-ўзига режиссёр»
18.00 «Мени куттин»
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время»
20.35 «Каменская». Сери-ал
21.25 «Хинд оханглар»
21.35 «Мухаббат даври»
Сериал
22.30 А. Зашагиннинг юби-лей концерти
00.05 «Ахборот» (рус тили-да)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»
5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 17.00, 17.00 Новости
8.15 «Семейные узы» Сери-ал
9.10 «Что? Где? Когда?»
10.40 Детский сериал «Тви-ниси»
11.15 Фильм «Гонимы»
12.30 Человек и закон
14.15 Фильм «Мировой па-рень»
16.00 «Большая стирка» с Андреем Малаховым
17.15 «Кураири», Николай Оллин
17.45 «Ералаш»
18.00 Жди меня
19.00 «Что хочешь стать ми-лиционером?» Телеигра
20.00 Время
20.30 Детектив «Дронго»
21.35 Фильм «Время лю-бить»
22.35 «Другое время». Про-грамма
23.10 «На футболе» с Вик-тором Гусевым
23.40 Русский актрим
02:45 - 5.45 «Доброе утро, Россия»
05:45 Фильм «Место под солнцем»

07:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ

08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.20 ВЕСТИ.
08.20 «Сказки о любви»
09.20 «В Горюшке»
09.25 ВЕСТИ НЕДЕЛИ
10.30 ВЕСТИ-МОСКВА. НЕ-ДЕЛЯ В ГОРОДЕ
11.20 ВЕСТИ-СПОРТ
11.25 «Что хочет женщина»
Ток-шоу
12.25 «Стань звездой»
13.20 «Простые истины»
Телевизион
14.20 «Вера, надежда, лю-бовь»

ҲАЁТДАГИ ТАШВИШЛАР

"Ҳеч бир қиз менга ўхшамасин" — 49-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: Мен бир йигитга кўнгил қўйгандим. Бир кун у мени зиёфатга бориб. Ўша кунни ҳамма маст эди. Тонгда у мени уйимга ташлаб кетди. Энди бир болали кишига мени беришмоқчи. Бундай савдо ҳеч кимнинг бошига тушмасин...

Т.

Хурматли Т. Муҳаббат — бу ҳаётдаги энг олий туйғулардан бири. Кимнидир севиш ёки ким томонидандир сеvimли бўлиш бу олий бахт. Лекин ҳамма вақт ҳам суриштирмай туриб, кўр-кўрона севиш ярамайди. Халқимизда бир яхши нақл бор: «Муҳаббат одамнинг кўзини кўр қилади», деган. Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини билмадим-у, лекин яна бир бор сизнинг ҳаётингизда бўлиб ўтган воқеа асосида ўз тасдиқини топибди. Мен бу би-

лан сизни айбламоқчи эмасман. Беайб парвардигор деганларидек, ҳаммамиз ҳам бу дунё ишларида адашамиз. Сиз ўшанда унинг қандай одамлигини, ота-онаси кимлигини, ҳаттоки у қай маҳаллада яшашини суриштирмайсиз. Барбериб, «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, бир сабаб туртки бўлганки, сиз унинг қандай одам эканлигини унга аллақачон кўнгил қўйиб, қаттиқ боғланиб қолганингизда суриштирибсиз.

Ўйлаб кўринг, ота-оналаримиз ўзлари емай, бизларни воёга етказгунарликча озмунча меҳнатлари зоир кетдики? Биз, фарзандлар воёга етган сари ота-онамизнинг ташвишлари ҳам кўпайиб бораверар экан. Хар қандай ота-она ўз фарзандига фақат яхшилик тилайди. Шундай экан оиламиз, ота-онамиз шаънини юқори билаллик, ахир ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмонимиз.

Мен, хурматли Т., сизнинг бахтингиз очилиб, онангиз сиз-фарзандларни бахтига тузалиб кетишларини жуда-жуда ҳам истардим. Шунинг билан, гуноҳдор ҳеч қачон жазосиз қолмаган, қолмайди ҳам.

Н. МАХМУДОВ

БАХТЛИ ОИЛАНИ БУЗИШГА ҲАҚҚИНГИЗ ЙЎҚ

Хурматли қизим, сиз энди 18 ёшга қирибсиз. 12 ёш катта, хотини ва бир қизи бор К. исмли эркакни севиб қолдим, деб ёзибсиз. «Инсон дунёга бир марта келади, севишга, севилишга ҳаққим бор-ку», дебсиз. Тўғри, ҳар бир инсонни севишга, севилишга ҳаққи бор. Лекин кўра била туриб бир бахтли оилани бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу оила ҳам бахтли ҳаёт учун яратилган. Эру хотин бир-бирини севишидан рашк қилибсиз. Бу уят ва номус. Сизнинг унга рашк қилишга, виждонан ҳаққингиз борми? Кейинчалик унга, севишингизни, усиз яшай олмаслигингизни билдирибсиз. «У аввалига бу гапимдан жаҳли қиқиб, тартибга чақирди, мен қўймасдан ўз сўзимда туриб олиб уни учрашишга чорладим. Ҳозир иккаламиз ҳеч кимга билдирмай гаплашиб юрибсиз», — деб ёзибсиз. Жуда ҳам «ботир» экансиз, ўз фикрингизни очик — ойдин баён қилибсиз. Ёки фарб адабиётини кўп ўқиб, шу асарлар таъсирида «ботир»лик қилдингизми? Шарқ қизларига йигитлар қўлига осилиш ярашмайди. Хар томонлама ўйлаб иш тутинг. Бировларни бахтсиз қилиб

«Зайнабга айланишдан қўрқмайсизми?» — 14-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 18 да. 12 ёш катта, оиласи бор. К. исмли йигит билан танишиб уни севиб қолдим. Ҳатто хотинидан рашк қиламан. К.га турмушга чиқишни хоҳлайман. Севишга, севилишга ҳаққим бор-ку.

Ф.

бахтли бўлмайсиз. Кўни-қўшни, маҳалла, ёру биродар деган тушунчалар бор. Агар сиз унинг хотинини куйдириб турмушга чиқсангиз ҳам, бахтли бўла олмайсиз. Чунки бу билан К.нинг оиласига бахтсизлик келтирасиз. Ёш қизчасини тирик етим қиласиз. Агарда жуда эрга теккингиз келса, келатган совчиларга «хўп» жавобини бериб, ўз тенгингизга турмушга чиқинг! Кўнгил кўчасига кириб бировлар бахтига чанг солманг!

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, меҳнат фахрийси

Тошкент шаҳри

Аксесидо

«ПАЛАГИ ТОЗА» ФАРЗАНДЛАРГА ЭГА БЎЛАЙЛИК

«Наслимиз тоза бўлсин, десак...» — 22-сон



ЭСЛАТМА: Уйда туғилган бола билан туғруқхонада туғилган боланинг қандай фарқланиши мени қизиқтириб қўйди. Ўзим она бўлиб бунини фарқини билдим. Шифокорлар ҳамма оналарнинг сутини қўшиб қайнатиларкан. Кўпчилик оналардан йигилган сут боланинг наслига таъсир қилишини, қолаверса, бир даврда туғилган болалар эмакдош бўлиб қолишини, улгайганларида турмуш қуришлари мумкинлигини ўйласам...

Назира ҚУРБОН журналист

Назира Қурбон қизининг мақоласи мени ҳам ўйга толдирди.

Ҳа, мақолада ёзилганидек ўша пайтларда бутун жамоатчилик: врачлар ҳам, барча ота-оналар ҳам, шу жумладан кексалар ҳам чақалоқларнинг «умумий қозондан» сут ичиши (хар турли оналарнинг орган сутини бир-бирига қўшиб қайнатиб берилиши)га негадир қарши бўлмаган. Ўзим ҳам 3 қиз, 4 ўғилни туғруқхонада «топганман». Баъзан қайсибир чақалоғим йилга-йилга сўнг ўша «мўъжиза сут»дан эмизрилиб қизи қизариб ухлаб қолган ҳолда келтирилари. Ҳатто биринчи қизим лабларини сут юки ҳолида келтирилса, нега бундайлигини боқувчисидан ажабланиб

сўрасам, «йиглагани учун овқатлантирдик», деса, «Менга келган, озгина эмиб ухлаб қоларкан-да, бошқалар сутини берманглар, ўзимники етади», — дердим норозиланиб.

Кейинчалик болалар аккли қилик қилса ё сўзласа қайнотамнинг: «Буллар хом сут эмса, пишган сут эмган Афиҳон», — деганлари ёдимда. Билмадим, улар кимдан эшитганлар чақалоқларнинг пишган сут ичишини.

Энг ачинарлиси, онасига чақалоқни 2-3 кундан сўнг беришарди. Дастлабки оғиз сутини соғдириб олишарди, атанг ўз боламиз эмса бўлмасмики! Бу эса мурғак гўдақнинг ўсишига таъсир қилади, деб ўйлайман.

Ўша пайтларда кимдир

уйида туғиб қўйса, врачлардан балага қоларди, дашном ерди.

Кечагидек эсимда: ўқувчилик пайтимда янгамнинг «кўзи ёрийдиган» бўлиб уйда узокроқ дард тутиб қолди. Шунда чекичброқ Сурайёхон исмли бир дояни чақириб келишди. У уста ақушер-гинеколог экан, димикиб кўкаринқираб қолган болани бир зумда усталик билан туғдириб олди. Чақалоқ йилмайл туғилгани учун шошиб қолди, уйдагиларга тезликда бир челакада муздек совуқ, иккинчисига иссиқ сув келтиришни буюрди. (Туп деса тупуқ хялайдиган 3 январ куни эди ўшанда.)

Доя хотин болани тириштириш учун бор билиминини, кучини ишга солди. Дераза ташқарисидан жон ҳовучлаб қараб турардим: чақалоқни икки ойбиган ушлаб бошини пастга буй тенги осилдириб дам муздек, дам иссиқ сувли челакада бир неча бор шимжитиб олди-да, чан қўлига кўкраги билан ётқизиб ўнг қўли билан тақор-тақдор шанапалитлаб орқасига урди (дояга секин бўлса ҳам чақалоқнинг ихраган овози эшитилиб шекилли) «Ха, гур озгизга бориб келдинг», — дея уни чақон йўраклашга тугитди. Вақтидан ўтиб димикиб қолган чақалоқнинг боши чўзинчоқ бўлгани учун «Вой-бў, бу қандай бола

«ЭР ЗАРДАЛИ БЎЛСА...»

Раҳим ака, мен сиздан анча ёшман. Лекин тақдирингизга ўз муносабатимни билдиришни лозим, деб топдим. Зора, бу масалага баъзи эркакларимиз — хурматли оила бошлиқлари жиддий эътибор беришса.

Сиз аёлингиз қилган ишлари сабаб маҳалла-қўйда бош кўтар олмай қолибсиз. Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрмоқ лозим. Оллоҳдан беш болани сўраб олган аёлингиз ниятлари ёмон бўлмаган, албатта, шунинг учун ҳам бирмунча вақт бирга яшагансиз.

Бугун у аёл айбдор! У гуноҳга ботган! Бир пайтлар сизга олам-олам қувонч бағишлаган аёлни бугун кўргани кўзингиз йўқ!

Нақадар аянчли бу қисматга ёлғиз унинг ўзи айбдормикан? У ўзига-ўзи шу кунларни истадимикан? Шу қадар гуноҳга ботгиси келдимикан?..

Наҳот шундай бўлишини хоҳлаган бўлса? Наҳот бу аёлингиз шу ҳолга тушиб қолишида эр, қайнона-қайнота, ака-ука, маҳалла-қўйнинг айби йўқ? Зино ишни фақат қилганлар эмас, кўрганлар ҳам гуноҳга ботмайдими, ахир?

Сиз аввало биринчи гуноҳни аёлингиз остона ҳатлаб чиқаётганда қилгансиз. Рўзғори бут аёл боласини бағридан юлиб, иссиқ-совуқ кунларда мусофир юртларда сарсон бўлмайди. Хўш, аёлингиз сафарга отланибди, нега шу сафарга сиз чиқмадингиз? Ёки йўлда ҳамроҳ бўлмадингиз? Сиз рўзғорга кўпроқ жон оғритганингизда шу аёлга беш боланинг ташвиши тушиб, ўзини ўтдан-чўққа урмаган бўлармиди?..

БАЛКИМ...

Бу мақолани ўқиб ўйланиб қолдим, аммо умидсизликка тушмадим. Балким ўйларсиз, нега у бегона одам учун умидсизликка тушади деб. Биласизми, мен инсонларни кўпроқ тушунишга ҳаракат қиламан. Хоразмлик йигитга раҳиман келиб кетди. Менга нуқулай бўлса ҳам кўнглимдаги гапни айтман. Мен 17 ёшга тулдим. Биламан, ҳали мен учун ҳаёт олдинда. Бирок биров сен билан бахтини боғламоқчи бўлса, унга йўқ деб бўлармиди? У киши Термизга бир келиб кетсалар бўларди. Мен у киши билан танишмоқчиман. Сўхбатлашиб бир-биримизга маъжол келсак шояд... Балким, бақоноа сабаб билан тақдиримиз қўшилиши мумкин.

М.

Сурхондарё вилояти

«Болаларим тақдирини ўйласам...» — 36-сон

ЭСЛАТМА: Хотиним бозор-ўчар қиламан, деб қиқиб кетиб 4 йилдан бери дарағи йўқ. Яқинда бир киши билан хат юбориб, касалликка чақалиганини маълум қилибди. Маҳалла-қўйда бош кўтариб юролмай қолдим...

Тоҳир НОРИМОВ



Ота-боболаримиз аёлни кўчага пул топиш у ёқда турсин, сувга ҳам чиқармаган-ку! Бу ўз аёлини ўзи асраш, ўз ҳаётини асраш, келахатини асраш дегани эмасми?!

Халқимизда: «Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади», деган нақл бор. Демак, оила бошлиғи ўзи вазифини билса, яхши. Билмаса, энди унинг ўрнига рўзғорни бут қилиш учун аёл отланади. Аёл бу оғирлиқни қанчалик кўтар олади — бу унинг қучига, иродасига боғлиқ.

Сиз аёлингиз тақдирини бошқалар учун ҳам сабоқ бўлишини айтибсиз. Менимча, сизнинг ҳам тақдирингиз баъзи бир эркакларнинг кўзини очса керак. Сўзим охирида сизга Ю. Усмонова қуйлаган қўшиқни яна бир қарра эслатмоқчиман. Бўлиб қадри сомондан арзон, Гулгунчадан қолдим сомон, Қайнасин деб рўзғорда қозон, Мардикорга чикди аёллар...

О. ЭРҒАШЕВА

Тошкент шаҳри

«Ортиқча дабдаба...» — 30-сон

ЭСЛАТМА: Қалин пули 200 минг сўмдан ошиб кетган. Келинга 500 минг сўмга кийим-бош олиш керак. Жами харажатлар қамиди 1 миллион 200 минг сўмдан ошиб кетади. Ёшим 22 да. Ота-онам нафақа олишади. Мен бахтинини газета орқали изламоқчиман. Бу қарорга келишим осон бўлмади.

Тоҳир НОРИМОВ



ИНСОННИНГ КЎНГЛИНИ ЎҚСИМАСИН

«Менга меҳр беринг, отажон» — 21-сон

ЭСЛАТМА: Дадамни кўча-қўйда кўрганлар жуда яхши, хушфёъл одам, деб таъриф беришади. Бирок уйда умуман тескарис. Эсимни танибман-ки, дадамнинг ширин сўзларини, эр-калашларини эшитган эмасман...

НАФИСА

Ёшим 28 да, уйланмаганман. Шундай бўлса-да, фикримни баён этмоқчиман. Зора нафим тегса.

Бу мақолани ўқиб «Яратган Тангрим раҳмдил ва меҳрибон бўлса-ю, яратган бандаси бунчалик тошбағир ва бемехр» деган фикр хаёлимдан ўтди. Ҳаёт гўзал ва қувонч, шод, қизикарли бўлиши керак.

Нафисахон, тенгқур эканмиз. Сиз отангиздан ранжиманг, унга меҳрингизни беринг. Ҳаётингиз, келахатингиз яхши бўлишини, отангиз инсофга келишини кутинг. Нафиса, дадангизга икки оғиз гапим бор.

Эҳ, ота, қани сизда ор-номус, диёнат, орият, қадр ва меҳр? Ахир сиз ўз зурриятингизни шунчалар кўргуликларга солибсиз-ку? Бунинг ўрнига бир оғиз ширин сўзингиз ва қалбингиздаги илқ меҳрингиз тафтидан озгина берсангиз нима бўларди? Фарзандингизга меҳр бериб яшасангиз мол-дунёнинг камайрмиди? Ақлингизни йиғиб олиб, кўзни кўр қиладиган мол-дунёдан, обрў-эътибордан йироқ юриб, қизингизга меҳр бериб ва ҳаётда бахтли бўлишга замин яратинг. Токи эртага сиздан кейин ҳам қоқилиб, ўқсиниб юрмасин, сиздан умрбод миннатдор яшасин.

Х. ОТАЖОНОВ

Хоразм вилояти



Мухтаром Махкамжон АЗАМАТОВ!

Табаррук умрингизни олтишинчи бекатиға етганингиз кутлуг бўлсин.

Олтиш ёш эса инсоннинг энг камолга етган, тафаккури тевранлашган даври саналади. Олам мунаввар бўлган бугунги кунда кутлуг 60 ёшингиз билан яна бир карра табриклар эканмиз, Сизга соғлиқ, узоқ умр тилаб, оилангизда, дўст қардонлар даврасида азияту муқаррам бўлиб юришингизни ният қиламиз.

Хурмат ва эҳтиром билан дўстингиз ва ҳамкасбингиз

Хурматли онахон!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Соғлиқ, бахт тилаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин.

Ахмедовлар оиласи, умр йўлдошингиз Қозимхон, кўбингиз Абдуллох, қизларингиз ва укангиз Шухратжон



Меҳрибон онахонимиз Норой опа ХУШБАХТОВА

Таваллуд кунингиз ва мураббийлар куни муносабати билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, тани сиахатлик тилаймиз. Хамиша қалбимиз ва уйимиз турида бўлинг. **Фарзандларингиз номидан қизингиз Шоира**

ОИЛА-22

Тиббиёт билим юртини тамомлаган, ҳамшира бўлиб ишловчи 29 ёшли турмушга чиқмаган қиз, 29-35 ёшгача бўлган, оила қурган, (фарзанди бўлса ҳам майли) тушунган эркак билан оила қуришни истайди.



Овоз беринг қайдасиз?

Бухоро шаҳрига кўчиб кетганлар. Ушанда мени ҳам олиб кетмоқчи бўлганлар, аммо акаларим ва опаларим бунга йўл қўйишмаган. Бу воқеа 1987 йилда бўлган. Мени катта акам Рамазонов Аскар катта қилдилар. Шундан сўнг онам мени сўроқлаб 1-2 марта келганлар. Мана шунга ҳам 16 йил бўлди... 1990 йили Аскар акам онамни излаб Бухорога бориб келдилар, лекин тополмай қолдилар.

Мақтабни битирганимга ҳам бир йил бўлди. Эшигимизга совчилар келаяпти, ҳадемай тўйим бўлиб қолиши мумкин... Бироқ, келинлик либосини онам қийдиришларини истайман. Биргина орзум шу.

Розия РАМАЗОНОВА

Бухоро вилояти, Пешку тумани, Янгиобод ж/х, Офандар қишлоғи,

ТУШИМДАГИ ХАБАРЛАР РОСТ ЧИҚДИ

Кўпинча тушларим шунчалик ўнгидан келадики, ҳайрон қолмай иложим йўқ. Менгўй исмли танишим қизлик бўлганди, у узоқда яшарди. Тушимда метрода учрашиб қолибмиз. «Қизингиз қандай?», - деб сўрасам, у: «Қизим ўлди», деди. Суриштирсам, қизи ростдан ҳам ўлган экан.

Манзура исмли дугонам ҳақида тушимда бир кўшнимиз гапирарди:

«Манзуранинг боласи қусиб-қусиб ўлиб қолди». Ҳар галгидек бу тушга ҳам эътибор бермадим. Икки-уч ойдан кейин меҳмонга келган қайнсинглим билан суратларини кўриб ўтиргандик, Манзуранинг катта ўғлининг расми чиқди. «Мана шу боланинг укаси яқинда ўлди», - деди у расмини кўлгига ушлаб. Наҳотки? Мен эса тушимни эслаб, хайратга тушиб ўтирдим.

Ойимноз УСАНОВА

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Организмдаги турли захарли махсулотларни қовиб чиқаришда минерал тузлар алмашинувиға таъсир қилмайдиган, мувозанатини бузмайдиган табиий пешоб ҳайдовчи кўйидаги махсулотларни тановул қилиш мақсадга мувофиқдир.

● **Карам.** Ҳар куни овқат билан ёки ундан кейин, хом карамдан тайёрланган салат истеъмол қилинг. Хом карам таркибида клечатка кўп. Бу эса истеъмол қилинган овқат таркибидаги холестеринни шимиб олиб ташқариға чиқариб юборишни таъминлайди. Натижада қондаги холестерин миқдори пасаяди, организм ёшаради.

● **Ўрик.** Ўрик ҳўл мева ҳолида ҳам, қуритилган қоқи ёки баргак ҳолида ҳам ундан тайёрланган махсулотлар ҳолида ҳам таркиби қалий элементига бойлиги сабабли жуда фойдалидир.

● **Кўк чой.** Овқат билан ёки ундан кейин истеъмол қилинган муаттар хидли кўк чой ҳам жуда самарбахшдир. Кўк чойнинг вегетатив нерв системасига таъсири кучли бўлганлиги турли захарли моддаларнинг организмдан чиқиб кетишини таъминлайди.

● **Тарвуз.** Тарвуз чанқоқ қондириш билан бирга яхши пешоб ҳайдовчи хусусиятига эга.

Раҳматилло БЕКТОШЕВ
Олий тоифали шифокор

Самарқанд

ЧУРРА... У ПИМА?

Танангиздаги бирорта аъзо (ингичка ичак ёки, меъданинг бир қисми) ноурин жойга ўтиб қолса ўша жой бўртиб, чурра ҳосил бўлади. Чуррани қўл билан пайпаслаб билиш мумкин. Киши турганда, ўтирганда, жисмоний иш қилганда сезилади, огрик беради. Чурралар туғма ва орттирилган бўлади. Агар орттирилган бўлса, бунинг сабаби нима? Асосан тўқималар (хусусан қорин пар-

даси) нинг юққалиги, жисмонан зўриқиб ишлаш баъзан чурра пайдо бўлишига имкон яратади. Қоматнинг нотўғри ривожланиши ҳам чуррани келтириб чиқаради. Тез-тез оғир нарсга кўтариш, қаттиқ йўталиш ёки қориннинг тез-тез да бўлиши ҳам чурра хавфини оширади. Ҳўш, уни даволаш мумкинми? Қорин, қов ва сон чурралари одатда жаррохлик йўли билан олиб ташланади. Кўпчилик ҳолларда чуррани бандж тақийш йўли билан даволаш ҳам мумкин бўлади.

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади

“BEGOVIM - SERVIS”

Ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

Сартарошлик 1 ой (тўй ва оқшом гулери); Сартарошлик 2 ой (бошланиш); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, печенье); Уй ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда, пайшанба, чойшаблар тикиш); Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв ясаш, торт безатишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салоҳи); Инглиз тили 3 ой (бошланиш); Автослесарлик; Ўқил болалар учун 3 ой (электрик, моторист, чилангир, юстаправ).

Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтилади ва диплом берилади.
Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати
Манзил: Мустақиллик метроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона
Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази кўйидаги курсларга таклиф қилади:

2 ойлик: - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларни роллаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш («Элита» усулида).

3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: Абдулла Кодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг «Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида.
Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган Ўғил ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуғ, простата бези касалликлари аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. «Чорсу» шохбекатидан 464, 469, 522-автотубсуларнинг «Генерал Собир Раҳимов» бекатигача борилади. **Телефон:** 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

«ЭЛИТА» усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргатман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73, 107-64-23 РАЪНО

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, MS-dos, NC-2 ой.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой. Бухгалтерия ҳисоби -2 ой. Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой. Акушерлик-6 ой. Ҳамширалик-3 ой.
- Аёллар ва эркеклар сартарошлиги (Машуғуллар салонда ўтказилади) -3 ой.

ДИҚҚАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-куёв либослари ижарага берилади.

Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машуғуллар ҳафтада 3 марта олий тоифали мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йулақлар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ

«МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Кўйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
- Моделчи-технолог (бичиш-тиқиш усули) - 2; 4 ойлик; - Моделчи конструктор (енги моделларни яратуви, 100% бичиш билан шугулланиш шарти асосида) - 2 ойлик; - Эркаклар кийими - 2 ойлик; - Аёллар костюми, палтоси, плащчи - 3 ойлик; - Дарпарда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар - 1,5; 3 ойлик.

ДИҚҚАТ! Хоҳловчилар учун яқна тарзда кичик-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади.

Битирганларга диплом берилади.
Қабул ҳар куни (яшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.
Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал метронинг «Амир Темур» бекати, Магазин «Top moda», Тел: 133-73-97, 76-71-95.

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар:
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик курслар:
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL
- Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури - 1 ойлик.
- Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ «ОИЛА ЗИЙНАТИ» МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида кўйидаги ўқув курсларини ташкил этди:

2 ойлик:
1. Бичиш-тиқиш (тезкор гуруҳ). 2. «Элита» усулида пардалар, чойшаблар тикиш. 3. Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш. 4. Сартарошлик. 5. Компьютер билимлари, (Windows-98). 6. Массаж, (амалиёти билан). 7. Фантазияли гул безакларини ясаш. 8. Косметология.

3 ойлик:
1. Зардўзлик (Бухороча). 2. Машинада гул тикиш, (вишивка). 3. Кўрпа-кўрпача ва тўн тикиш. 4. Юмшоқ уйинчоқлар ва бешик асбобларини тикиш.

4 ойлик
Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун). Машуғуллар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегиралар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.
1. Манзил: Фуркат кўчаси, 1-уй. Спорт қўмаси биноси ёнида, 4-қават, 410-хона. Мўлжал: метронинг «Халқлар Дўстлиги» бекати.
2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл 2 тор кўча, Қора су маҳалла идораси, мўлжал Ресийвий бозор, (Узмесомолтор) Тел: 191-78-02.
3. Манзил: Қора-Қамиш даҳаси 2/3 31 уй, 56 хонадон. Тел: 29-61-86, 29-53-34.

(Боши ўтган сонда.)

Шундай қилиб тўйга бир кун қолди. Ич-ичимдан "Мен кўнмасам кимни келин қилишарди. Тўйни барибир бузаман", - деб ўйладим. Яқин дугонанинг уйига беркиниб олдим. 3 та дугона гаплашиб ўтирсак, эшик очилиб келиноийм кириб келди. "Ие, менинг бу ердалигимни қаердан билдингиз", - деганимни биламан, эшик яна очилиб аммам, амаким (катта амаким, у киши прокурор бўлиб ишлайдилар) кириб келишди. Амаким мени ҳар хил гаплар билан ўқуртиди. Мен бари-бир кўнмадим. Шунда аммам "Онанг ўлим тўшагида ётибди, "қизим қочиб кетди", деб, агар кўнмасанг онанг ўлди дейвер", - дедилар. Бу гапни эшитиб қаттиқ қолдим. Аммам менинг нозик жойимдан ушлаганди. Онам учун ўлимга ҳам тайёр эдим. Ноилож уларнинг гапига кирдим. Қон йиғлаганча бобомнинг уйдан ЗАГСга чиқдим. ЗАГСдан тўғри тўйхонага олиб келишди. Онамни кўриш учун уйга ошиқдим. Не кўз билан кўрайки, онам соппа-соғ юрибдилар. 16 га тўлмай туриб катта одамлардан, яна ўзимнинг яқинларим томонидан 3 марта алдандим. Тўйга келган ҳамма йиғлади. Аммо менинг кўзимга қайтиб ёш келмади. Қалбим бир парча тошга айланди гўё...

Кейинги ҳаётим ҳам олдингидан баттарроқ бўлдики, гўё мени пешонамга аччиқ кисмат ёзилгандек. Ўсмирлигимда жуда кўп китоб ўқигандим. Китоблардан хулоса ясаб, "Инсон ўз тақдирини ўз қўли билан яратди", деб ишонардим. Қанча орзу-мақсадларим бор эди. Ҳаммасини барбод қилишди. Қўлларимга кишан солиб, эр дея аталмиш кафасга қамаб қўйишди. Юрагим нафратга тўлди. Айниқса, эркакларга нисбатан.

Қуёв қайнотага шунчалик ўхшайдими ёки бир вилоят берига ашаб туриб хат ёзиб тарбия қилганларми билмадим кўринишини айтмаса, дадамдан бир туҳми ҳам ўзга эмас эди. "Онанг уйдан чиқмайдик-ку, сен ҳам чиқмайдсан, эркак зотига кўринмайсан. Менинг гапим сен учун қонун. Агар икки қилсанг ўзингдан кўр..." Келин бўлиб (агар шундай дейиш ўрнили бўлса) биринчи эшитган гапим шу бўлди. Одатда келинларга сеп қилинар эди. Менинг эса оёғимга, на эгнимга кишиш учун бирорта тузукроқ кийимим ҳам йўқ эди. Орқамдан фақат қариб қолган буювжоним йўқлаб борар, йиғлаб бағирларига боса-боса қайтиб кетардилар.

Эримдан ич-ичимдан нафратланардим, аммо буни билдирмасликка ҳара-

кат қилардим. Бир кун келади, мен албатта ўз орзуларимга етаман, деб ўйлардим. Кунлар, ойлار, йиллар ўтди. Битта қизчалик бўлдим. Балки қизига меҳрибонроқ бўлса ниятим ўзгарармиди. Иккинчи фарзандим - ўғил туғилди. Бу сафар ҳам ожизалигимга бордимми, яна умид боғладим. Минг афсусли у ўзгармади. Мени ҳам, болаларимни ҳам



ХАЁТ ДАВОМ ЭТАВЕРАР ЭКАН...

одам ўрнида кўрмасди. Юрагимдаги нафрат ўти алангаланди. Энди мен ҳам гап қайтара бошладим. Бунинг оқибатида эса ейдиган калтақларим икки баробар кўпайди. Хатто болаларни ҳам аямай, қўлига тушиб қолса отиб юборар эди. Оқибатда 6 ёш қизчам дудуқлашиб гапирадиган бўлиб қолди. 2 ёш ўғлимни эса ҳозир сўяман, деб пичоқ излаётганда қўлидан зўрга тортиб олдим. Охир-оқибат ўзим ҳам овозини эшитсам титрайдиган, ишдан қайтиш пайтида юрагим ўйнайдиган бўлиб қолди. Бу гаплардан ота-онамнинг хабари йўқ эди. Онамни эсизлади, деб айтмасдим, дадамдан эса кўрқардим. Шундай қилиб 2001 йилга келиб 24 ёшимда юрагим ўйнайдиган, ҳеч бир ишга ярамайдиган, тишларим тўкила бошлаган аҳволга келдим. Аёлларни мажбурий тиббий қўриқдан ўтказишар эди. Шунда юрагимни эшитиб кўрган кардиолог, анализ топширишимни айтди. "Сизда

деди укам.

Дадамнинг номини эшитиб эрим ноилож рухсат берди. Шундай қилиб ота-онам уйига касалхонада бир аҳволда кириб келдим. Аҳволимни кўрган дадам, у ёқдан бу ёққа юрар, "эх" дея қалласини сарак-сарак қиларди.

Рўзгордаги битта-битта молни сотиб, мени дўхтирга кўрсатишди. Орттирилган юрак пороги ташхиси билан вилоят юрак касалликлари диспансерида даволандим. Сўнг яна 2 марта район ички касалликлар бўлимида ётиб чиқдим. Аҳволим бироз яхшиланди. Аммо ҳаётга бўлган қизиқишим бутунлай сўнгган, ҳамма нарсасга бефарқ эдим. Шунда укам менга "Оила ва жамият" газетасини тутказди. Уйқудан уйғонгандек бўлдим. "Мен соғайишим керак", - деган фикрга келдим. Бунинг учун сендан миннатдорман. Азизим "Оила ва жамият"! 3 ой даволанишдан сўнг бутунлай бўлмаса ҳам соғлигим яхшиланди. Ота-

онам, болаларим бағрига қайтдим. Дадам: "Эринг келди, аччиқ устида ҳайдаб юбордим, энди нима қилсанг иштиёр ўзингда", - деди. Мен "Дадажон, агар мени ўлиб қолмасин десангиз, уларга бериб юборманг", - дедим. Лекин ҳаммаси шу билан тугамди.

Эрим ҳали маҳалла комитетининг расисини, ҳали қўшни аёлу эркакларни, ҳали таниш дўхтирларни етаклаб келаверди. Ўзини оппоқ қилиб кўрсатиб, менга ҳар хил туҳматлар ҳам қилди. Дадам ҳам секин-секин унинг гапларига ишона бошлади. Яна келишди дейишгунча юрагим ўйнаб, ҳаво етишмай қолар, дадам эса менга ишонмасди. Хатто болаларимнинг: "Дадамни кўришни истамаймиз, у бизни урарди", - деган гаплари ҳам эсидан чиқди. Мен яна тушқунликка тушиб қолгандим. Шундай кунларнинг бирида дадам туҳматдан қамалиб қолди. Мен буни сира-сира истамасдим. Укам, амакиларим кўп ҳаракат қилди, аммо чиқара олмадик. Шу кунларда дадамни кўргани бордик. Дадам менга қараб: "Биз ҳали ўлмаймиз, биз ҳали кўп яшаймиз", - дедилар. Кўзларим жикқа ёш: "Мен сизни яхши кўраман, дадажон", - демокчи бўлдим-у, томоғимга бир нима тиқилиб овозим чиқмади. Дадамга жуда ачиниб кетдим. Ҳаёт давом этаверар экан. Яшаш учун эса ишлаш керак. Ойларда 9 жонимиз. Биргина укам ишларди, у ҳам ҳозир ишламаяпти. Мен бўлсам дўхтир назоратидаман. Қизим мактабга кирди. Унга ҳам кийим-бош зарур. Шуларни ўйлаб, бирор хунар

ўрганмоқчи бўлдим. Чеварлиқдан озмоқ хабарим бор. Аммо шогирдагу тушиш 10000 сўм деб эшитиб боролмадим. Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Келажақда Худо хоҳласа керакли маблағ топсам, "Машхура" фирмасига бормоқчиман. Катта чевар бўлиб кетсам, қолган умримни ҳаётда қийналган инсонларга яхшилик қилиш билан ўтказмоқчиман. Зеро бу имтихон дунёда инсондан фақат яхши ном қолади. Буни мен - ўлим ёқасидан қайтган инсон айтаялман. Ўлишга рози бўлганимда ўйлаб қолдим. Мен-ку жабр кўрдим, ситам кўрдим. Аммо мендан қандай ном қолапти? Дунёга миллионлаб одам келиб-кетган. Аммо уларнинг саноклиснинггина номи тарихда қолган. Бу беш қулиқ учур биз учун синов. Келинлар азизлар, бир-биримизга яхшилик қилайлик, биздан фақат яхши амал, яхши ном қолсин. Мендан маслаҳатларингизни аямайсиз, деган умиддаман.

ЗУЛАЙХО

Фаргона вилояти

ИШОНЧИМ СЎНГАН БЎЛСА-ДА...

Мен ҳозир оқил кишиларнинг доно маслаҳатларига муҳтожман. Сабаби, кейин адашиб, алданиб қолишдан кўркаман.

Энди сизларга мактуб битишга сабаб бўлган воқеани бир бошдан гапириб берсам, ёшим 24 да. Ўқишни тугатганман. Тўғриси айтсам, ўқишга шу қадар берилиб кетиб, ўз ҳаётимни унутиб қўйибман. Менга шу пайтга қадар севи, ишқ, муҳаббат каби туйғулар бегона эди. Вақтимни умуман бекор ўтказмасдим, китоблардан бўшасам расм чизишга ўтирардим...

Хуллас, бировни севиш, бировга меҳр қўйиш учун менда ҳавас ҳам, фурсат ҳам бўлмади. Аксига олиб, менга бу туйғуни инъом этувчилар кўп эди. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилиги мендан кичкина бўлиб чиқарди. Бу мен учун уларни калака қилишга баҳона бўларди. Аммо ўқишни бекотираётим, рўй берган воқеа

мени бошқа кишига айлантириб қўйди. Мен илк марта ўзим билмаган ҳолда қаттиқ севиб қолдим. Лекин тақдирнинг ҳазилини қаранг-ки, у ҳам мендан тўрт ёш кичкина эди. Биз бир-биримизга жуда меҳрибон эдик. Бу меҳри эса муҳаббатга айланиб кетишини ҳеч кутмагандим. У мендан бир зум ажралмасди. Мен ҳам унга қаттиқ боғланиб қолдим. Аммо ёшимиз ўртасидаги фарқ юрагимни хижил қилар, виждоним қийналарди. Уни қанчалар яхши кўрмай, ўз хиссиётларини жиловлаб олишга ҳаракат қилдим. Унга, мени тўғри тушунишини, ёшимиз ўртасидаги фарқ жуда катта эканлигини, бунинг устига онаси мутлақо рози бўлмаслигини, рози бўлган тақдирда ҳам, (бунга ўзим ишонмасдим) ўзи кейинчалик пушаймон қилишини қайта-қайта тушунтирдим. Аммо у тушунишни истамасди. Мендан ҳеч нимани аямасди. Мен бундан бадтар эзилардим.

У эса бирор кун йўқ-ки, телефон қилмаса. Бир неча марта уйимизга ҳам келмоқчи бўлди, бунга йўл қўймадим. Сабаби, ота-онамдан уяла-

ўзимни унинг бошини айлантириб олгандек сезардим. Уни жонимдан ортиқ севама-да, ўзимдан нафратлантиришга ҳаракат қилардим. Аммо ҳеч нарсасга эришолмадим. Чунки вақт ўтиб бўлган, биз бир-биримизга қаттиқ боғланиб улгурган эдик. Қолаверса, ўзимга ҳам осон эмасди. Мен уни қаттиқ севардим.

Ўқишни тугатиб, ўз уйимга қайтдим. Шунда сездим-ки, усиз бу ерларда туролмас эканман. Севгини бунчалик бўлишини ўйламаган эканман, уни сўз билан айтиш қийин экан. Буни ёзолмайман. Қийналиб кетдим, шундай мустаҳкам иродам қаёққа йўқолди?

Шунча ҳаракат қилмай, унинг ёнига икки марта бориб келишдан ўзимни тинч қилмадим. У эса бирор кун йўқ-ки, телефон қилмаса. Бир неча марта уйимизга ҳам келмоқчи бўлди, бунга йўл қўймадим. Сабаби, ота-онамдан уяла-

ман. Ахир улар мени шу ниятда ўстириб, ўқитдимми?

Хуллас, шу томонларини ўйладим. Бунинг устига унга нисбатан юрагимнинг аллақайерида ишонсизлик туғилганди.

Бир кунни яқин дугонам билан уларнинг уйига телефон қилиб, гўшакни дугонамга бердим. Бошқа телефондан ўзим эшитиб турдим. Дугонам уни билишини, яқиндан танишмоқчи эканлигини айтди. Дугонамнинг: "Севганингиз борми?", деган саволига "йўқ" деб жавоб берди.

Қайта-қайта сўраттирдим, "йўқ" деб жавоб қилди. Охирида дугонамнинг қасам ичинг деган гапига: "Худо урсин яхши кўрганим йўқ", деб қасам ҳам ичиб юборди. Кейин дугонамдан телефон рақамини сўради. Қўлимдаги гўшакдан ўз телефон рақамини айтдим. У жимиб қолди, бироздан кейин бу рақамни қаердан олганлигини сўради. Ўзимни танитдим. "Синовдан аёло даражада ўтдингиз, Камронбек. Омон бўлинг", - деб гўшакни қўйдим. Кўзимдан ёшим шаҳқатор оқди, юрагим чил-чил синди. Бундай бўлишини кутмагандим.

Эртасига тинимсиз кўнғироклар қилди. Жавоб беришни истамасдим. Аммо, у ўзининг онаси қанақадир қизлар телефон қилади дегани учун, танишишга рози бўлганини айтиб, оқламоқчи бўлди. Албатта, мен буни бир баҳона деб тушундим, холос. У эса кўнгирок қилишини қўймапти, унинг зорлибди ялинишини эшитсам, кўзимдан дув-дув ёш қуйилади.

Хуллас, дардимни дастурхон қилиб сизларга очдим. Елкамдан тоғ қулагандай бўлди. Сизлардан мажрўх юрагимга таскин кутиб муштокман, азизлар. Менга маслаҳат беринг. Шахарга қайтгим, унинг ёнида ишлаб қолгим келади. Аммо ишончим сўнгган. Шундай бўлсада, унга бўлган муносабатим ўша-ўша. Уни бутун борлигини билан севаман. Қаттиқ тушқунликка тушиб қолганман, ёрдам беринг, қимматли маслаҳатингизга зору мушток

ТОНГУЛИ

Сурхондарё вилояти



Билмасангиз — билинг

Немис психологларининг айтишларича, қизил рангли машина эгалари сал қизиққон, бироз димоғдор, шу билан бирга улар йўл ҳаракати қоидаларига унчалик риоя этишмас экан. Сариқ рангли машина эса шоҳқалоқ кишиларга тегишли. Бундай кишилар серк-атнов йўлларда ўзларини "босолмай-дирар", дейишади психологлар. Жигаррангги камдан-кам ҳолларда танлашади, кўк рангли машина эгаларидан эса умуман хавотир олма-са ҳам бўлар-

Ривожланган давлатларда ўтказилган сўров натижаларига кўра, эркекларнинг 84 фойизи ўзига хиёнат қилган аёлни умуман кечиришмас экан. Ҳатто бундай аёллар кечиришга нолойиқ, деган сўзларни нафратомуз қилиб айтишган. Айни чоғда аёлларнинг 82 фойизи эса оилани сақлаб қолиш ва бошқа сабаб-

Сигарета таркибиде никотин кўп. Нос таркибиде эса захарли модда уч баробар ошди. Агар сигаретадаги никотин филтёр орқали қисман тутиб қолин-са, нос чекканда токсин моддалар тил остидаги қон томирлари орқали тез ва кўп микдорда сўрилади. Нос дастлаб оғиз бўлигини таъсирлантиради, шил-лиқ қаватида рак олди хасталиклар (хей-лит, аллергия герматит) ни келтириб чи-


Биз фақат эркеклар учун махсус са-хифа очдик. Ниятимиз эркек умрининг ҳамма фаслида ҳам ҳаётимизнинг кўр-кўра таянчи, марду майдони бўлиб қолсин. Ҳурматли оталар, ака-укалар, бу саҳифа мазмундорлиги, самара-бахшилиги ўзингизга ҳам боғлиқ экан-лигини унутманг. Хатларингиз, қўн-гирокларингизни кутиб қоламиз...

лар билан хиёнаткор эрларини кечирган-лар. "Эркеклар хиёнатини кечирамиз, лекин уларнинг ишқий "саргузашт"лари қачон, ким билан бошланган, бу вақтинча-ми ё узоқ давом этадими, ҳар ҳолда улар-ни кечиришдан олдин шу нарсаларга жид-дий аҳамият бериш керакми" дейишган экан аёллар сўров вақтида.

қаради. Бундан ташқари, носнинг токсик захарли таъсири остида юрак-томир ти-зимси иши ёмонлашади, юрак меъёри-дан тез қисқаради, натижада қон боси-мининг ошиши, тилларнинг тез тўкили-ши ҳамда қизилўнғач яллиғланиши пай-до бўлади. Эсингизда тутинг, нос-энг ар-зон нарқотик бўлиб, у инсон танасида ту-затиб бўлмас оғир хасталикларни кел-тириб чиқаради!

ДОЛМО ЁИЛ, ГЎРҚАМ ГЎЎЛШ ГЎЎЛШ

Этиборингизга ҳавола этилаётган машқларни уйингизда оддий стул ёрдамида бажаришингиз мумкин. Кундалик спорт машқларини қанда қил-май бажариш сизнинг ёш, кўркам, бақувват бўлишингизга қафолатдир.



ЙИГИТНИ ЙИҒЛАТАДІГАН ДАРД...

«Кейинги ойлarda ўзимни қўйишга жой тополмапман. Хотинимнинг кўзига энг оғир эркек бўлиб қўри-наётгандекман. Бунинг устига турли оргриклар ҳам безовта қилмоқда.


Жинсий ожизликка қарши қўллани-ладиган туркона дори-дармонларни қўллаб кўрдим, фойда бермади. Дардимга чора бормикан?

36 ёшли Н.»

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мэлс РЎЗИМАТОВ:

Аслида бу дард юз йиллардан буён тиб-биетимизга маълум. Простатит бўлган эркекларда аввало тинка қуриши, иситма чи-қиши ва қорин пастиде тез-тез оргрик кўзғалиши ҳолатлари кузатилади. Ковуқ оғирлашиб бораётгандек туюлади ва ҳаде-сигиysi қистайди. Бўшанганидан сўнг эса шиллиқ ажралади. Бу - касал-лиқнинг биринчи белгилари. Худди шу вақт ичиде бемор уролог-андролог ши-фокорга мурожаат этмаса, хасталик хро-ник тусга ўтади. Аячлиси шундаки, бе-морда жинсий ожизлик ҳолатлари бош-ланади. Простатитга чалинган кўпчилик беморлар оргрик пайтида "шунчаки ша-моллаганман, ўтиб кетди", деб ўйлаб ши-фокорга кеч мурожаат этишади. Ваҳо-ланки, вақтида даволанмаган простатит кучайиб, беморнинг бир умр ногирон бўлиб қолишига олиб келади. Хўш, про-статит кўпроқ кимларда учрайди? Трихо-мона, сўзак билан оргиб ўтган ёки жин-сий алоқани узоқ вақтгача тўхтатиб қўйган эркекларда бора-бора простатит кузати-лади. Хасталик пайдо бўлишининг сабаб-лари жуда кўп, шунинг учун ҳам чотида ноқуш сезги пайдо бўлган ҳар бир киши дарҳол уролог врач маслаҳатини олиши жуда зарур. Акс ҳолда бу дард нафақат эркек кишининг жисмига, балки руҳига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Беморнинг хотираси пасаяди, жиззаки ва жаҳлдор бўлиб қолади, унда йиғлоқчилик аломат-лари ҳам кузатилади. Хроник простати-ти бор беморлар кунт билан даволанса-

лар, бутунлай соғайиб кетадилар. Да-воланиш жараёнида бемор тўғри овқат-ланиши, жисмоний машқлар билан шу-ғулланиши, аччиқ, шўр ва дудланган та-омлардан воз кечиши лозим. Картош-ка ва витамин А,Е,Д га бой бўлган кун-габоқар, арахис мойи, сабзи, лавлаги, қовоқ, ўрик, мандарин, лимон сингари мева ҳамда сабзавотларни мунтазам истеъмол қилиши керак. Шунинг айтиш керакки, простатит баъзан бошқа хасталикларга қўшилиб келиши ёки бо-шқа касалликлар аломати бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бемор авва-ло шифокор мутахассис назоратидан ўтиб, унинг маслаҳатлари асосида да-волангани маъқул.



Соғайингиз — бойлигингиз

МИЖОЗ ҚУВВАТИНИ ТИҚЛАШ МУМКИМИ?

(бу ҳақда Тибет табобати нима дейди?)

Танадаги шахвоний қувват микдорини тананинг маълум нуқталарига тегиб, сўнг аниқлаш мумкин. Масалан, бармоқла-рингиз учини киндигингиздан беш сан-тиметр пастга, сўнг 5 сантиметр юқори-га теккизингиз. Агар остки соҳа юқори-сига нисбатан совуқроқ бўлса, демак сиз энергия йўқотаяпсиз. Хитойликлар ши-ринликлар, сут маҳсулотлари, алкоголь ва ўта ёғли овқатлардан кўра рафинирлан-маган углеводлар (яъни ёрмалар, буг-дой нон, асал) шахвоний қувватни тез-роқ тиклайди, деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда кўпчилик эркеклар шахвоний қу-ватни тиклаш учун турли дори-дармон-лардан фойдаланишади. Ваҳоланки, бу нарсани дори-дармонсиз ҳам амалга ошириш мумкин. Қандай қилиб? Қадим-ги хитойликлар ишлаб чиққан махсус машқлар бу борада сизга кўмак беради.

Тик туриб оёқларингизни елка кенгли-гида қўйинг. Кафтарингизни бирлашти-риб, то иссиқ бўлгунча бир-бирига иш-қаланг. Кейин қўлларингизни буйрақлар соҳасига (елкадан белга қараб пастга) ва умуртка поғонаси томон ҳаракатланти-ринг. Иккала қўлингиз бармоқлари бир-бирига яқинлашсин. Сўнг тиззанингизни сал букиб, оёқларингизни соат мили бўйлаб айлантирасиз. Ўн маротаба бир томонга, ўн маротаба иккинчи томонга айланти-ринг. Машқни охишта, ҳеч бир зўриқиш-сиз бажариш керак. Шунда бутун танан-гиз бўйлаб ҳарорат югради ва бу машқ-

Саҳифани ГҲЛЖАМИЛА тайёрлади

ни ҳафтада уч-тўрт марта бажариб тур-сангиз, ҳарорат кучайиб, шахвоний қу-ватингиз тиклана боради.

Яна бир содда машқ: Тик туриб, қўл-ларингизни танангиз бўйлаб секин туши-ринг. Фараз қилингки, қумуш игна умуртка поғонангиз ва бошингиз ичи-дан секин ўтаётти, шу игна ёрдамида тана аъзоларингиз тобора тикланиаяпти. Бир-неча сония ўзингизни шу фараз ичиде сақланг. Нафас олганингизда ҳаво бурнингиздан бемалол ўтсин. Нафас (диафрагма)ни қисқартириб, бурнингиз-дан чиқаринг. Шу тахлит танангиз энергия манбаи билан бойийди.

Эркеклардаги асабийлик дарҳол мия-га таъсир этиб, бу эса ўз-ўзидан мижоз қувватининг сусайишига сабаб бўлади. Хитой табиблари фикрига кўра жинсий аъзолар ўзларига керак бўлган энерги-яни олиши учун бу асабийлиқни йўқо-тиш зарур бўлади. Яъни, эр-хотин то қовушгунларича бўлган муддат ичиде бир-бирига ширин муомалада бўлиши, бир-бирларини эркаламоқлари керак. Шундагина кун давомидаги асабий ҳолатларга барҳам берилади ва эркек-лардаги шахвоний қувват тикланади.



- Собик дарвозабон ишқибозлар орасида. А. ҲАКИМОВ чизган

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фой-даланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарил-майди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, зълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000

Амир Темури кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй.

ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи»

Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-да № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 942. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобoк.

Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 3201

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.

Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи - М. СОДИКОВ.